Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 30 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 82 (6779)

Даъват

Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йўлида бирлашиб курашишимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Республика техника ижодиёт маркази Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг қутлуғ тўйларига атаб «Иқтисод ва ҳаёт», «Техника ва тил» тўгаракларини ташкил этди. Тўгаракларда 100 нафардан ортиқ ўқувчи компьютер сабоқлари, иқтисод ва менежмент, техникавий билим ва тушунчаларни ўрганиб боришади.

ИСЛОҲОТ – АВВАЛО ОДАМЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШДИР

Шу йил 25 октябрь куни халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Сессия ишида шу вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик, қўмита, уюшма, концерн, корпорация, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, ислоҳотларнинг бориши, жумладан, Жиззах вилояти меҳнаткашлари эришган ютуқлар, айни чоғда йўл қўйилган камчиликлар, улар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида батафсил гапирди. Вилоятнинг бугунги аҳволини чуқур таҳлил этди.

Мустақил мамлакатимизда булаётган ишлар ва тарихий воқеалардан барчангиз хабардорсиз. Юртимизда тарихан қисқа муддатларда оламшумул ўзгаришлар булаётгани, Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзига мос ва ўзига хос ўрнини эгаллаб олиб, обрў-эътибори ўсаётгани ҳам ҳаммамизни қувонтиради, деди Президент.

Мамлакатимиз ислоҳотларнинг дастлабки, энг қийин, энг оғир босқичини енгиб ўтди, тараққиёт ва ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда.

Маънавий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, бой тарихий ва маданий меросимизнинг тикланиши, улуғ аждодларимизга адолатли баҳо берилиши халқимизни катта бунёдкорликларга даъват этмоқда. Руҳига руҳ қўшмоқда. Соҳибқирон Амир Темур юбилейи чин маънода ўзлигимизни намоён этиш, давлатимиз қудрати ва халқимиз шижоатини кўрсатиш имконини берди.

Меҳнаткаш, мард ва фидойи халқимизнинг она юрт келажаги, унинг истиқболи йўлида қилаётган шижоатли меҳнати, ҳамжиҳатлиги, мамлакат осойишталигининг барқарорлиги дастлабки ютуқларимизнинг энг асосий омили бўлди.

Жамиятда таркиб топаётган янгича муносабатлар асосида иқтисодиётимизнинг барқарорлашувида ва унинг бозор муносабатларига ўтишида Жиззах вилоятининг ҳам катта ҳиссаси, муносиб ўрни бор, деб таъкидлади юртбошимиз.

Жиззах икки минг йилдан кўпроқ тарихга ва гўзал табиатга эга бўлган қадимий маскан. Жиззах вилояти ўз табиатининг хилма-хиллиги билан бошқа вилоятлардан фарқ қилади. Бу диёрда бамисоли Ўзбекистоннинг гўзал табиати мужассамлашгандек.

Ўзбек халқининг кўп-кўп асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салоҳиятига салоҳият қўшган, тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган. Жиззах вилояти халқимизнинг буюк давлат арбоби Шараф Рашидовни вояга етказган юрт эканини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Жиззах чўлини ўзлаштириш ўз даврида халқимиз қаҳрамонлигининг рамзига айланган эди, деҳқончиликда эса ўз технологиясига эга бўлган воҳа сифатида майдонга чиққан эди.

Жиззах воҳаси ҳақида, унинг гўзаллиги ва бетакрорлиги ҳақида, шу юртда яшаётган аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга тўлиқ имконият мавжудлиги ҳақида гапириш учун ҳар қанча асос бор.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, вилоят аҳли қатор ибратли ишларни амалга ошириб келган.

Кейинги 2-3 йил ичида шаҳар ва туманларда ободонлаштириш, айниқса, Жиззах шаҳри қиёфасини миллий услубда бойитиш, бозорлар қуриш каби ишларга сезиларли эътибор берилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ана шу давр ичида 57 фоиздан 75 фоизга, табиий газ таъминоти эса 48 фоиздан 70 фоизга ўсган.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: охирги йилларда эришилган ютуқлар оз эмас.

Лекин, минг афсуски, бугунги учрашувимизда, авваламбор, вилоятда мавжуд бўлган муаммолар, вилоятнинг иқтисоди ва ривожи танг аҳволга тушиб қолгани ҳақида гапиришга мажбурмиз, деди Президент.

Вилоятда ислоҳотларни амалга ошириш, бутун имкониятларни ва авваламбор меҳнаткашларимизнинг кучини долзарб масалаларга жалб қилиш, ечилмаган муаммоларни ҳал этиш масалаларида, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга раҳбарлик бушаштириб юборилган. Туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарларининг қишлоқларда ислоҳотларни амалга ошириш, иш услубини тубдан ўзгартириш, янги агротехника қоидаларини жорий қилишда тадбиркорлиги ва ташкилотчилиги сезилмаяпти, улар боқимандалик кайфиятидан холи бўлолмаяптилар.

Пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва пировард натижалардан меҳнаткашларнинг манфаатдорлигини ошириш чора-тадбирларини кўра олмаяптилар.

Ҳозирги кунда вилоятда истиқомат қилаётган 905 минг аҳолининг 618 минг нафари қишлоқда яшайди. Аҳоли асосий қисмининг турмуши қишлоқ хўжалигидан келадиган даромадга боғлиқ.

Вилоятда 1995 йилда ишлаб чиқарилган 18 миллиард сўмлик ялпи маҳсулотнинг 61 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади.

Шундан, авваламбор, қандай хулоса, керак бўлса — қандай сабоқ чиқаришимиз зарур?

Биринчи ва асосий хулоса — қишлоқ аҳолисининг устини бут, қорнини тўқ қилиш учун ердан унумли фойдаланиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш чораларини кўриш керак.

Лекин кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда орқага кетиш кузатилмоқда. Етакчи тармоқ ҳисобланган пахта етиштиришдаги ишлар мутлақо қониқарли эмас. Белгиланган режалар сурункасига 4 йилдан буён бажарилмай келмоқда. Ҳозирги кундаги ҳолат бу йил ҳам пахтачиликда дурустроқ натижага эришиш мушкул эканлигини кўрсатиб турибди.

Утган йилнинг якунини 1991 йилга нисбатан солиштирадиган бўлсак, вилоятда 100 минг тоннадан ортиқроқ пахта кам етиштирилган. Бу асосан ҳосилдорликнинг пасайиши ҳисобига камайган. Кейинги тўрт йил ичида вилоят бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 17.6 центнерга тушиб кетди.

Деҳқончиликда ном чиқарган Дўстлик, Мирзачўл туманларида ҳосилдорлик 21 центнерга тушиб кетганлигини, Арнасой туманида ўтган йили 10, Зоминда 13 центнердан ҳосил олинганлигининг сабабини ким тушунтириб бера олади?

Ўтган йили хўжаликларнинг ярмидан кўпи топшириқни бажара олмаган, ҳар тўрттадан биттаси йилни зарар билан якунлаган эди. Буни қандай баҳолаш мумкин?!

Пахтачиликдаги, умуман деҳқончиликдаги бу салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлмоқда?

Бунинг сабабларини мамлакатимиз раҳбари қуйидагича изоҳлади:

Биринчидан, кузги ва қишки дала ишларини ташкил қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Ерни кузда шудгорлаб қўйишда ҳикмат катта эканлигини деҳқонлар яхши биладилар. Вилоятда бу муҳим тадбир четга суриб қўйилмоқда. Айниқса, Мирзачўл, Арнасой, Дўстлик ва Зомин туманларида бу муҳим ишга умуман эътибор берилмаяпти.

1995 йилги ҳосилга тайёргарлик кўришда пахта майдонининг 80 фоизи баҳорда шудгор қилинди. Натижада ҳосилдорлик пасайиб, ернинг унумдорлиги йўқолди. Деҳқонча қилиб айтганда ер ишдан чиқди. Бундай нуқсонга 1996 йилда ҳам йўл қўйилди. «Ер ҳайдасанг — куз ҳайда, куз ҳайдамасанг — юз ҳайда», деган нақлни вилоят ва туман раҳбарлари унутганга ўхшайди.

Ер ўз вақтида ҳайдалмай, бир қисми баҳорга қолиб кетмоқда. Шу аҳволда қандай юқори ҳосил ҳақида гапириш мумкин? Боқимандалик, ўзбуларчилик, эгасизлик қачонгача давом этади? Масъулиятсизлик — раҳбар учун иллат! Бундай кайфиятда юрганларни аллақачон тартибга чақириш вақти келган, деб ўйлайман.

Иккинчидан, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирлар қониқарсиз эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Суғориладиган ерларнинг асосий қисми шўрланган.

Шу уринда Президент йил бошида Хоразм вилоятида айтган гапларини яна бир бор эслатиб ўтди.

Деҳқончиликда энг муҳим, энг долзарб муаммоларни билмасдан туриб, уларни ҳал қилиш учун, яъни энг устивор

(Давоми 2-бетда).

Ҳозирги даврда таълим масканларини компьютерсиз тасаввур қилиш қийин. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 37-катталар таълим марказида ҳам бу борада улкан ишлар олиб бориляпти. Айниқса, бунда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ўқитувчиси Маҳфуза Юсуповaнинг меҳнатлари эътиборга лойиқ.

Суратда: тажрибали муаллима М. Юсупова ўқувчиларга замонавий компьютер билан «тиллашиш» сирларини ўргатаяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармони билан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Шавкат Миромонович Мирзиёев Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

❀ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармони билан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (1-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ° Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси вазифасида ишлаб келган Ўктам Қўчқорович Исмоилов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

❀ Россия Федерациясининг Хавфсизлик кенгаши котиби Иван Рибкин Грозний музокараларига киришиши олдидан Чеченистонда тинчлик-барқарорлик бўлиши учун бор куч-ғайратини сарфлашини ваъда қилди.

❀ Афғонистонда Кобул учун жанглар давом этмоқда. Толиблар мухолиф кучлар томонидан бир неча бор ҳаво ҳужумларига дуч келса-да ҳамон ўз мавқеларини сақлаб турибди.

❀ Миср Президенти Ҳусни Муборак Исроил собиқ бош вазири Ш. Перес билан учрашди. Ш. Перес Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масаласини йўққа чиқариш мумкин эмаслигини, Фаластин томони билан музокараларнинг натижа бермаётганлигида эса Исроилнинг ҳозирги бош вазири айбдор эканлигини таъкидлаган.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

МАОРИФ ОЛАМИДА

САХОВАТ

Германиядаги руҳий хасталар шифохоналаридан бирида алкоголизмга қарши курашишнинг самарали йўлини топдилар. Олимларнинг аниқлашича, табиатдаги қизилпойча гиёҳи билан даволанган алкоголикларнинг 80 фоизи руҳий асоратлардан қутулиб кетмоқда ҳамда энг муҳими, табиий гиёҳ кимёвий препаратлар қўзғотадиган хумордан холи.

УЛАРГА ҲАМ ОСОН ЭМАС

Саҳнадаги қаҳрамонларнинг 45 фоизи ҳаётдан жаллод қўлида кўз юмаётган бўлса, 29 фоизи ўзини ўзи ўлдираётган экан, бунинг ишонарли чиқиши асарда бош ролни ижро этаётган санъаткорларнинг маҳоратига ҳам боғлиқ. Санъатга тегишли бўлган бундай маълумотларни тўплаш учун ва Швеция врачлар мусиқа мактабининг медиклари Эдди ҳамда Ханс Перссонлар 150 операнинг либереттосини ўрганиб чиқишди.

ЖАРРОҲЛАРГА ЕНГИЛЛИК

Британиянинг «3М»компанияси жарроҳларни операция вақтида терлашдан сақлайдиган махсус кийим ишлаб чиқармоқда. Қимматроқ баҳоланган халат икки қават бўлиб, ўзидан терларни ташқарига чиқариш баробарида ҳеч бир вирусни ичкарига йўлатмайди. У махсус, катта ва кичик молекулаларни ҳам парчалаш хусусиятига эга бўлган материалдан тикилган.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

28 октябрь куни Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, бир қанча вазирликлар, республика идора ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ғуломқодир Ҳасанов бошқа ишга ўтгани муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Вазирлар Маҳкамаси истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси лавозимида ишлаб келаётган Ўктам Исмоилов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлади. Юртбошимиз Сирдарё вилояти мамлакат халқ хўжалигида ўзига хос ўрин тутишини, улкан ишлаб чиқариш имкониятларига, деҳқончилик ресурсларига, саноат ва қурилишнинг бой тажрибасига эга эканини, бу ерда қўриқда деҳқончилик қилиш мактаби яратилганини таъкидлади.

Лекин кейинги йилларда Сирдарё вилоятида халқ хўжалигининг кўп соҳалари бўйича қолоқликка йўл қўйилмоқда. Пахта тайёрлаш топшириғи 1992 йилдан буён бажарилмаётир. Бебаҳо бойлигимиз — ерга эътибор сусайиб кетган. Бунинг оқибатида ўта шўрланган ерлар миқдори икки марта ортди. Бу йил ҳар гектар ердан олинган ғалла ҳосили ўртача 16 центнерни ташкил этди, холос. Узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка етиштириш топшириқлари ҳам бажарилмади.

Бундай вазият биздан зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этади, деди давлатимиз раҳбари. Чунки вақт кутиб турмайди. Сирдарёликлар азалдан меҳнаткаш, захматкаш, қийинчиликларни енгиб ўрганган. Эндиги вазифа бор имкониятларни чамалаб чиқиб, мавжуд омилларни ишга солиб, йўл қўйилган хатоларни бартараф этишдан иборат.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари Р. Гиниятуллин қатнашди.

(ЎзА).

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ 40 ЁШДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти ташкил топганига қирқ йил тўлди. Ана шу давр мобайнида, айниқса, мустақиллик йилларида институт дунёнинг энг йирик илмий марказларидан бирига айланди.

Унинг тадқиқотлари натижалари халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Институт ишланмаларидан АҚШ, Германия, Чехия, Канада, Хитой, Финляндия, Ҳиндистон каби давлатлар, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари баҳраманд бўлмоқда. Ўтган давр ичида бу ерда кўплаб фан номзоди ва фан докторлари тайёрланди. Уларнинг талайгина қисми хорижий академиялар ва илмий жамиятларнинг аъзоларидир. 28 октябрь куни институт юбилейига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари, алоқадор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, хорижий ва Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган меҳмонлар иштирок этди.

Институт директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси Б. Йўлдошев мазкур илм даргоҳи фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Фанлар академиясининг президенти Т. Жўраев, Давлат фан ва техника қўмитасининг раиси П. Ҳабибуллаев ва бошқалар институт жамоаси республикамиз илм-фанини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапирдилар.

Тадбирда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Афғонистондаги ҳарбий можаронинг кескин тус олганлиги жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Мухолиф томонлар ўртасидаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва тинч музокараларни бошлаш зарурлиги тўғрисида кўп мамлакатларнинг мурожаатлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг БМТ Хавфсизлик кенгаши, Европа парламенти ва Ислом конференцияси ташкилоти қарорларида баён қилинган даъватларга қарамай, Кобул атрофидаги уруш ҳаракатлари яна авж олиб кетди.

Оғир артиллерия ва авиациядан фойдаланиб уруш ҳаракатларини авж олдириш натижасида бегуноҳ қурбонлар сони кўпаймоқда. Афғонистоннинг тинч аҳолиси мамлакатнинг шимолий ҳудудлари ва ундан ташқарига оммавий равишда кўчиб кетиш ҳоллари рўй бермоқда.

Афғонистонда инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари тез-тез содир бўлаётгани алоҳида ташвиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва қўшни Афғонистондаги можарони бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг хорижий давлатлар бошлиқлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлари ҳамда музокараларида Афғонистон мавзуси асосий ўрин тутмоқда.

Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Тошкентда минтақа хавфсизлиги мавзуига бағишланган семинар-кенгаш ўтказишни таклиф қилди, БМТ Бош Ассамблеясининг 50-юбилей сессиясида эса Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб қўйиш ташаббуси билан чиқди.

Давлатимиз бошлиғи сўнгги бир неча ой давомидагина БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий, Индонезия Президенти Сухарто, БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Хавфсизлик кенгашининг раиси, Европа

(Давоми 2-бетда).

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ДРАМАТУРГ МУАЛЛИМ

Яқинда Данғара туманидаги Улуғбек номли 12-мактабнинг олий тоифали муаллими, драматург Анвар Комилжоновнинг икки пардали «Курортдаги никоҳ» асари саҳналаштирилиб томошага қўйилди.

Қувонарлиси шундаки, ижодкор муаллимнинг яна бир асари «Афандининг афанди хотини» комедияси ҳам шу кунларда Муқимий номидаги театр жамоаси томонидан саҳналаштирилаяпти.

BOG'CHADA QO'G'IRCHOQ TEATRI

Bo'z shaharchasidagi «Chinnigul» bolalar bog'chasi tumandagi namunali tarbiya maskanlaridan hisoblanadi.

Yaqinda bog'chada kichkintoylarning madaniy hordiq chiqarishlarini taminlash maqsadida qo'g'irchoq teatri tashkil etildi. Shu kunlarda teatr jamoasi taniqli adib Muhammadali Qo'shmoqboyning «Go'ro'g'li» asarini sahnalashtirishga kirishgan.

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Навоий шаҳар Маданият саройи ва спорт майдонларида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан «Мулки Турон ҳомийси» деб номланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят санъат усталари, спорт қўмитасига қарашли спорт мактаблари талабалари, ҳарбий қисм жангчилари ва Амир Темур лашкари тимсолини акс эттирган вилоят чавандозларининг маҳорат билан чиқишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

ГУВОҲНОМАЛАР БЕРИЛДИ

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти маъмурияти жойлардаги таклиф ва талабларни ҳисобга олиб, шу йил 1 октябрдан бошлаб «Одобнома» курси ташкил этган эди. Шу кунгача республикамиз вилоятларидан келган 20 нафар «Одобнома» муаллимлари мазкур курсга қабул қилинди.

Яқинда институт ректори томонидан мазкур курснинг биринчи битирувчиларига тантанали равишда гувоҳномалар топширилди.

МУАЛЛИФЛАР: Ш. БЕКТОШЕВ, Н. RUSTAM, М. КАРИМОВА, А. АБДУРАСУЛОВ.

ИСЛОҲОТ – АВВАЛО ОДАМЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШДИР

(Боши 1-бетда).

масалаларни ечиш учун маблаг топиб бутун имкониятларни жалб этмасдан туриб, шу муаммоларни доим эътибор марказида сақламасдан туриб, олга силжиш мумкин эмас!

Меҳнат тақсимоти, ишчи кучи сарфи ва иш ҳақи ўртасидаги мувозанатни сақлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли шаклларини жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Охирги йилларда вилоятда шўр ювиш ишлари 60 фоизни ташкил қилмоқда. Хўжаликлараро ва хўжаликларнинг ички зовур тармоқларини таъмирлаш ишлари ҳам қониқтирадиган даражада эмас. Очиқ зовурларнинг яроқсиз аҳволга келган қисми вилоят бўйича 27 фоизга етган. Бу кўрсаткич Арнасой ва Зарбдор туманларида 34-45 фоизга кўтарилган.

Ёпиқ дренаж тармоқларининг 20 фоизи ишдан чиққан. Уларни таъмирлаш ишлари кескин камайиб кетган. Утган йили дренаж тармоқларининг талабга нисбатан 7, очиқ зовурларнинг эса 22 фоизи таъмирланган, холос. Натижада ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетган.

Албатта, бу муаммоларни давлатимиз, ҳукуматимиз эътибори марказида ушлаб туриш керак. Лекин маҳаллий ҳокимият раҳбарлари қани?

Ҳар бир хўжалик ўз имкониятидан келиб чиқиб, дренажларни ювадиган ва таъмирлайдиган ихтисослашган бригадалар тузса бўлмайдими? Аллақандай бегона ташкилотларга пул ўтказмай, ортиқча чиқимсиз ўз кучимиз билан ўз муаммоларимизни ҳал этишни қачон ўрганамиз?

Учинчидан, вилоятда пахтанинг тез пишар, ҳосилдор навларидан фойдаланилмаяпти. Уругчиликка етарли эътибор берилмаяпти. Ҳар йили пахта майдонининг ярмидан кўп қисмига сифати бузилган навлар экилмоқда. Яъни, экилган чигитнинг 45 фоизини унувчанлиги паст бўлган иккинчи класс уруғ ташкил этади. Бунинг устига турли-туман навлар экилади. Ахир бу тола сифатининг бузилишига олиб келмайдими?

Туртинчидан, маҳсулот етиштиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан ҳамда сувдан самарали фойдаланилмаган. Вилоят хўжаликлари бу йил 66 фоиз азотли, 47 фоиз фосфорли ўғит билан таъминланган, холос. Бунинг устига минерал ўғитларнинг 20 фоизи август ойига яқин келтирилган, хўжаликларга кеч етказиб берилган. Ахир оддий агроном ҳам биладики, август ойида берилган азотли ўғит пахтанинг етилишини кечиктиради. Оддий тил билан айтганда, ғўза семиради-ю лекин ҳосил бермайди. Наҳотки, вилоятда деҳқончиликдаги бу оддий ҳақиқатни тушунадиган биронта мутахассис топилмаса?! Бунинг устига сентябрь ойининг ўрталарида ҳам ғўзани суғориш Жиззах шароитида бугунлай номаъқул иш, ақлга сиғмайдиган усул эмасми?!

Андижонда деҳқонлар пахтачиликда янги технологияни қўллаб, пленка остига чигит экиб 50-60 центнердан ҳосил олаяптилар. Бундай усул билан экилган пахта тез етилади, ёғин-сочинга қолмай териб олинади.

Бундай масалаларда ҳар доим илғор сафларда юрган жиззахликларнинг ҳаракатлари кўринмаяпти. Янгиликка интилиш, изланиш, ҳосилдорликни ошириш учун ҳаракат сезилмайди.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, уларни янгилаш ва таъмирлаш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Чўлни ўзлаштиришда барча жараён техника ҳисобига бажарилиши назарда тутилган. Буни кўпчилик яхши тушунади.

Бугун қишлоқ хўжалигига техника етишмайди. Буни биз яхши тушунамиз. Ҳозирги кунда вилоятда 2,5 мингта ҳайдов, 400 та чопиқ трактор етишмайди. Лекин мавжуд тракторларнинг ҳам асосий қисми етарли даражада қаровнинг йўқлиги, масъулият бўлмаганлиги, хўжасизлик оқибатида ишдан чиққан. Жамоа мулки ўз мулкидек авайланмаяпти. Қор-ёмғир тагида қолиб кетаяпти. Мулкка эгалик тушунчаси етарли эмас.

Нега механизатор ўзининг енгил машинасини ювиб, мойлаб асрайди-ю, хўжалик тракторига жони ачимайди? Ахир ана шу трактор туфайли оиласини боқмайдими? Хўжалик раҳбарлари қаёққа қарашаяпти? Нега улар хўжаликларда тартиб урнатмайдилар? Чунки уларнинг ўзларини тартиб-интизомга чақириш керак, деб ўйлайман.

Пахта териш машиналари талабга нисбатан анча оз. Мавжудларининг эса 25 фоизи ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган. Бу йил ҳам етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда машиналар хизматидан унумли фойдаланилмаяпти. Ҳар бир машина кунига ўртача бир тонна ҳам пахта тераётгани йўқ. Бундай натижа билан яна нима ҳақида гапириш мумкин? Ҳозирги кунга қадар терилган пахтанинг 20 фоизи машиналар билан йиғиб олинган, холос. Кейинги йилларда машина теримининг улуши 30-40 фоиздан ошмаяпти.

Такрор айтаман, деди нотиқ, техникага хўжасизларча муносабатда бўлинмоқда. Энди техникани ҳеч ким текинга бермайди. Буни англаш вақти келди. Боқимандалик кайфиятини йўқотиш керак. Техника ҳам — сизнинг мулкингиз, хусусий мулкингиз. Тушуниб олинг. Энди уни асрашни ҳам, ундан фойдаланишни ҳам билиш керак. Янгисини сотиб ололмасангиз, эскисини авайлаб ишлата олмасангиз, эртага нима қиласизлар? Бу тўғрида бош қотириш вақти етди.

Ерни шудгорлашдан пахтани териб олишгача бўлган барча агротехника қоидаларига амал қилмаслик, янгиликка интилишнинг йўқлиги, ерга эътиборнинг яхши эмаслиги ва пировард натижада деҳқон манфаатдорлигини ошириш чоралари кўриб чиқилмагани — барчаси пахтачиликдаги қолоқликка олиб келган.

Кейинги йилларда республикада дон мустақиллигини таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Ғалла майдонлари кенгайтирилди, соҳага эътибор кучайтирилди.

Жиззах — республикада энг кўп ғалла экиладиган вилоятлардан бири. Бу йил 246 минг гектар ерга ғалла экилиб 496 минг тонна дон етиштириш режалаштирилган эди. Афсус, вилоят давлат хирмонига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олмади.

Кузланган ҳосилнинг 40 фоизи етиштирилди холос, давлатга сотиш режаси эса атиги 53 фоизга етказилди.

Республикамизнинг бир қатор вилоятларида ғалладан 40-50 центнер ҳосил олинаётган бир даврда, сизларда суғориладиган ерларда ҳосилдорлик 14 центнерни ташкил қилганлигини қандай баҳолаб, нима деб тушунтирса бўлади?

Президент масалани қўндаланг қўйди: қани менга айтингчи, ярим миллион тонна ғалла етказиб бериши мумкин бўлган вилоятда нима ишлар бўлаяпти ўзи? Бунинг сабаблари нимада? Менимча, бунинг сабаби: аввламбор боқимандаликда, ўзи-буларчиликда, эртанги кунни ўйламай, ишни пала-партиш ташкил қилишда.

Утган йили 20 минг тонна сифатсиз уруғдан фойдаланилган. Бу вилоят бўйича экилган уруғнинг 45 фоизини ташкил қилади. Шундай уруғ тулиқ униб чиқадими, ҳосилдорлиги қандай бўлади, ҳеч кимни ташвишга солмаган.

Бунинг устига ғалла экиш муддатлари кечиктириб юборилган, 63 минг гектар ғўза қатор ораларига ғалла экишда агротехника қоидаларига риоя қилинмаган. Ҳар гектар майдонга нормадаги 250 килограмм урнига 80-100 килограмм уруғ тушган. Буни ҳеч ким назорат қилмаган. Ўғит вақтида берилмаган ва суғорилмаган.

Уруғ сифатли бўлмагани, тула униб чиқмагани учун ғалла вилоятнинг ҳамма майдонларида сийрак бўлиб қолгани сабабли уни бегона ўт босган. Уримйиғим мавсуми кечикиб, кузланган муддатдан ўтиб кетган ва 45-50 кунга чўзилган.

Арнасой (Б. Раҳмонов), Дўстлик (А. Ҳожимуродов), Мирзачўл (Т. Есимов) ва Пахтакор (У. Олимов) туманларининг 60 фоиз майдонидаги ғаллани бегона ўт босиб кетган. Бу майдонларнинг аксарият қисмини комбайн ҳам ўролмаган ва ҳосил далада қолиб кетган. Ишга шундай муносабат билан ғалладан юқори ҳосил олиб бўладими? Бу ўзини-ўзи алдаш эмасми? Агрономлар, мутахассислар йил бўйи нима билан шуғулланади? Улар қаёққа қарашди? Наҳотки, бефарқлик шу даражада бўлса? Бундай ҳолатга энди чидаб бўлмайди! Унга чек қўйиш керак!

Деҳқончиликда ерга, ишга бўлган муносабатни кескин ўзгартирмай, ерга ҳам, етиштирилаётган маҳсулотга ҳам эгалик ҳиссини кучайтирмасдан туриб қишлоқ хўжалигида ислоҳот қилиб бўлмайди.

Ачинарлиси шундаки, ҳанузгача қишлоқ хўжалигида пайчиликни, хўжалик аъзоларининг умумий мулкдаги улушига қараб ҳақ тўлаш тизимини ривожлантириш масаласига эътибор берилмаяпти.

Ерга бўлган муносабат йилдан-йилга ёмонлашмоқда. Айниқса, уни талон-тарож қилиш, шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланиш ҳоллари учрамоқда. Биргина Мирзачўл (ҳоким Т. Есимов) туманидаги «Пахтазор» хўжалигида (раиси М. Файзиев) ноқонуний равишда 170 гектар ер томорқа сифатида бўлиб бериб юборилган. 190 гектар ерга мелиоратив ҳолати ёмонлиги ва техника етишмаслиги туфайли экин экилмаган. Вилоят бўйича пахта учун ажратилган майдоннинг минг гектарига чигит экилмай қолди. Яна минг гектар ерда қаровсизлик туфайли чигит унмай қолиб кетган. На туман ҳокимлиги, на вилоят агросаноат уюшмаси бу фактларга узларининг баҳоларини бермаганликларини, вилоят раҳбарлариятининг эса қузатувчиликдан нарига ўтишга кучи етмаётганини қандай баҳоласа бўлади?

Бир қатор пахта тозалаш заводларида пахта толасининг камомади аниқланган. Масалан, Зафаробод туманидаги (ҳоким С. Абдусатторов) пахта тозалаш заводи фаолияти текширилганда 2 минг тонна пахта толаси, 9 минг тонна чигитнинг камлиги аниқланган. Пахтакор (ҳоким У. Олимов), Дўстлик (ҳоким А. Ҳожимуродов) туманларидаги пахта заводларининг ҳар бирида бир ярим минг тоннадан пахта толаси кам келган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошириш йўлида мулк нодавлат шаклларига ўтказилди. Кўплаб деҳқон-фермер хўжаликлари тузилганлиги хусусида ҳисоботлар берилди. Лекин, нега маҳсулот етиштиришда кузланган натижага эришилмаяпти? Чунки мулкчилик шакли узгаргани билан ишни ташкил қилиш Мирзачўл, Арнасой ва Зомин туманларида эскича усулда олиб борилмоқда. Мулк эгалари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар. Хусусийлаштирилган фермаларда қорамол сони, сут етиштириш кескин камаймоқда.

Бу ўз навбатида соҳани ҳокимлардан бошлаб, агросаноат мутахассисларигача ўзибўларчилик ҳолатига ташлаб қўйганлигидан дарак беради.

Юртбошимиз вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш борасида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Аввало бозор иқтисодиёти моҳиятини тўла англаб етиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарли эмас.

Вилоят корхоналарида дебитор ва кредитор қарзлар ойданойга кўпайиб бормоқда.

Шу йил текширилган 300 дан ортиқ ташкилотнинг 70 фоизидан 9.2 миллион сум зарар келтирилганлиги, ҳар учтасидан биттасида эса катта миқдорда ўғрилик ва камомадга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, вилоятда эмиссия улуши 71.2 фоиз миқдорида қайд этилган бўлиб, утган йилнинг шу даврига нисбатан эса 18 фоизга ошган. Бу рақам Зомин, Арнасой, Мирзачўл, Фориш ва Бахмал туманларида 80-85 фоизни ташкил қилган. Бу муаммо заминида аҳолига хизмат кўрсатиш шахобчаларини кўпайтириш, улар ишини тубдан яхшилаш, кўплаб халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, пештахталарни харидоргир товарлар билан тўлдириш вазифалари ётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мавжуд 562 та қишлоқнинг ярмидан кўпроғида косибчилик, тикувчилик устахоналари йўқ. Шундай экан, прокат хизмати кимёвий тозалаш, кир ювиш, суратқашлик, телевизор ва музлатгичларни тузатиш сингари бироз тайёргарлик ва махсус малака талаб этадиган хизматлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Савдо ҳиссадорлик жамиятларига қарашли дуконларнинг пештахталари бум-бўш. Айрим дуконларнинг ёзувлари, иш режими йўқ. Атрофи санитария талабларига жавоб бермайди. Аксарият ҳолларда улар эрталабдан кечгача очилмайди. Бундай ҳолат Ғаллаорол (Т. Умурзоқов), Пахтакор (У. Олимов), Зомин (Ш. Абдуганиев), Бахмал (Х. Суюнов) ва бошқа туманларда кўплаб учрайди.

Қишлоқда ишчи ўринларини барпо этиш масалалари бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланмоғи лозим, деб қайд этди нотиқ. Шу ўринда вилоятнинг хусусиятидан келиб чиқиб айтмоқчиманки, аҳолининг 50 фоизга яқини тоғли Фориш, Бахмал, Ғаллаорол ва Зомин туманларида яшайди.

Чўл туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, кичик саноатни олиб кириш ҳисобига қўшимча ишчи ўринларини яратиш чораларини кўриб, тоғли аҳолини ана шу жойларга фойдали меҳнатга жалб этиш тадбирларини ишлаб чиқиш вилоят раҳбариятининг ҳаёлига ҳам келмаган.

Айни пайтда иш сўраб мурожаат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётгани ва вилоят аҳолиси бир йилда ўртача 23 минг кишига кўпаяётганлиги назарда тутилса, юқоридаги вазифанинг яна ҳам долзарблигини англаш қийин эмас.

Фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим-тарбия ва маданий-маънавий ишларни жонлантириш маҳаллий ҳокимият идораларининг, ҳар бир раҳбарнинг кундалик ишига айланмоғи лозим.

Уй-жой, қишлоқ мактаблари, тиббиёт пунктлари, маиший хизмат объектлари, телефонлаштириш масалаларини ҳал этишга доир ҳукуматнинг қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини яна бир бор танқидий кўз билан кўриб чиқиш даркор. «2000 йилгача бўлган даврда Узбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури»ни бажариш вилоятда эътибордан четда қолган.

Вилоятда аҳоли соғлиғини сақлаш, тиббий хизматни яхшилаш борасидаги ишлар кунгилдагидек эмас. 346 та қишлоқ тиббиёт шоҳобчаларининг фақат 32 фоизи махсус биноларда жойлашган, 70 фоизида эса телефон алоқаси йўқ.

Аҳоли ўртасида юқумли вирусли гепатит, ўткир ичак касалликлари билан касалланиш даражаси пасаймаётир.

Ёш авлодни вояга етказиш, уларни муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишда ҳам камчиликлар кўп.

Вилоятда кейинги йиллар ичида 61 та болалар боғчаси аввало раҳбарларнинг калтабинлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида турли баҳоналар билан ёпиб қўйилган. Ваҳоланки, ҳозирги кунда боғча ёшидаги болаларнинг фақат 20 фоизигина тарбия муассасаларига жалб этилган, холос.

Халқ таълими ислоҳоти бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам яхши эмас. 485 та мактабнинг ярмидан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлашган, 11 таси эса қулаб тушадиган ҳолатда. Шунга қарамай, мактаблар қурилиши сust олиб борилмоқда.

Ўқиш ва ўқитишнинг энг илғор тажрибаларини жорий этишга кам эътибор берилмоқда. Вилоятда мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш 92 фоизга бажарилган. Химия, биология, тарих, чет тили фанлари бўйича ўқитувчи кадрлар етишмайди. Мавжуд мактабларнинг 50 фоизидагина компьютерли синфлар ташкил қилинган. Бироқ уларнинг 30 фоизи ишламайди.

Бахмал, Фориш, Пахтакор, Дўстлик, Жиззах, Зомин туманларида клублар ва стадионларнинг ташландиқ ҳолатга келиб қолиши, айниқса, ташвишли. Бу соҳага жавоб берадиган раҳбарлар ўз иш услубларини замон талаби даражасига кўтариш чораларини белгилаб олишлари зарур, деди Президент.

Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни яшнатиб турсин. Бу борада ҳокимликлар билан бирга, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари «Соғлом авлод учун» ва «Камолот» ёшлар жамғармалари ҳамда кенг жамоатчиликнинг бошини қовуштириб ишлаши лозим. Шуни яхши билиб олишимиз керакки, жамоат ташкилотлари фаолияти энг таъсирчан ва ҳозиржавоб фаолиятдир. Чунки, улар бевосита одамлар кундалик ҳаёти ва ташвиши билан узвий боғланган. Жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари ишини кучайтириш, уларнинг жамиятда тутган мавқеини ошириш зарур.

Ислоҳот — энг аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Токи бизнинг тафаккуримиз эскича қарашлардан халос бўлмас экан, бугунги кун вазифасини ҳар бир замондошимиз онгига, қалбига етказмас эканмиз — туб ўзгаришларга эриша олмаймиз.

Дунёқарашни ўзгартиришдек улкан, кенг қамровли масалаларни ҳал этишда матбуотнинг ўрни катта. Вилоят газеталари, радио ва телевидениеси имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Тўғри, «Жиззах ҳақиқати» ва «Жиззакская правда» газеталари ўзларини янги давр талабларига бирмунча мослаштиришга интилаяптилар. Бироқ, ислоҳотларнинг муҳим бўғини бўлган қишлоқ аҳли турмуши, унинг маданиятига доир муаммоли, таҳлилий ва танқидий мақолалар кам берилмоқда.

Айниқса, буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланаётган, миллатимиз ва давлатимиз тарихида янги даврни очиб бераётган бу улкан воқеа нимагадир вилоят газеталари саҳифаларида етарлича ёритилмаяпти. Ватанпарварлик мавзуидаги чиқишлардан қониқиш ҳосил қилиш қийин.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида кадрлар масаласига алоҳида эътиборни қаратди.

Ислоҳотларнинг муваффақияти кадрларнинг малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янги давр талабларини нечоғлик ўзлаштириб олганига, конкуярлигига, ҳалол ва поклигига, қоларверса, ватанпарварлигига боғлиқ.

Шу сабабли янгича фикрлайдиган, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган ёшларни тарбиялаб, уларни ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак. Шу йўл билан биз ўз сафимизни тозалашга, бошқарув тизимининг мустаҳкамланишига эришамиз.

Вилоятда бу ишга ёндашилмаяпти. Ҳамон ишни эскича усул билан ташкил қилаётган, ислоҳотларни амалга оширишга доир қонун-қоидаларни яхши билмайдиган, замон талабларига етарли жавоб бера олмайдиган кадрлардан воз кеча олинмаяпти. Кадрлар сиёсатида аниқ тизим йўқ. Уларни тарбиялаш, жой-жойига қўйишда ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик иллатлари ҳамон давом этмоқда.

Ҳаммамиз бир юртнинг фарзандимиз, Узбекистон — ватанимиз учун жон куйдириб яшаб, меҳнат қилишимиз, муаммоларни биргалашиб ҳал қилишимиз зарур. Маҳаллаларни қишлоқларни, туманларни, қоларверса, вилоятларни бир-биридан ажратишга, «Менинг киндик қоним фалон маҳаллада ёки даҳада тўкилган!» деб юришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Энди ана шу касалликдан қутилиш керак!

Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Узбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йўлида бирлашиб курашишимиз керак.

Вилоятда хотин-қизларни раҳбар лавозимларга кўтаришга, уларга масъулиятли вазифаларни топшириш эътибор берилмаяпти.

Раҳбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, тажрибали, аввал халқни, Ватаннинг равнақини ўйлайдиган инсонлар бошчилик қилмас экан, вилоятда тартиб ҳам бўлмайди, иш ҳам юришмайди. Бошқарув тизимини такомиллаштириш бевосита раҳбар маънавияти, унинг шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун биз турли тоифа ва даражадаги раҳбар кадрлар танланаётганда уларнинг қобилияти, билим даражаси, тажриба ва қўникмаси билан бирга, маънавий қиёфасига ҳам жиддий эътибор бермоғимиз лозим.

Одамлар дардига қулоқ солмайдиган, узининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, турмушимиз фаровон бўлишига тўғаноқ бўлаётган, халқ мулкини талон-торож қилаётган таъмагир мансабдорлар энди этагини йиғиштириб олсин.

Умуман олганда, салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининггина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак, деди юртбошимиз.

Албатта, бу борада вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, вилоятда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Утган ярим йилда жиноятнинг оғир ва ўта оғир турлари кўпайган. Одам ўлдириш, босқинчилик, ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш ҳоллатлари камайган. Бундай жиноятлар кўпроқ Жиззах, Арнасой, Зомин ва Мирзачўл туманларида содир этилган. Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Зафаробод, Зомин ва бошқа туманларда маст ҳолда жиноят содир этиш утган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпайган.

Вилоятда жазонинг муқаррарлиги тўлиқ таъминланмаётир. 1995 йилда 235 та ёки ҳар ўн жиноятнинг бири, жорий йилнинг ўтган даврида эса 135 та жиноят очилмаган. Уларнинг аксарият қисми оғир ва ўта оғир жиноятларни ташкил қилади.

Қонун устиворлигини таъминлашга масъул идораларнинг ходимлари томонидан ҳам жиноят содир этиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. 1995 йилда вилоят прокуратурасининг, ички ишлар бошқармасининг 9 нафар ходими мансаб ваколати доирасидан чиқиш каби жиноятларни содир этганлар.

Вилоятда балоғатга етмаган ёшлар ўртасида жиноятлар сони кўп. Улар вилоят, туманлар ҳокимлари, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маҳалла жамоатчилиги, маориф, прокуратура, ички ишлар ходимларини сергаклантириши керак эди. Бу жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш чораларини белгилаш бўйича амалий иш йўқ.

Президентимиз пировардида бундай деди:

Жиззах вилояти аҳли олдида турган ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бажарилиши лозим бўлган катта вазифалар ҳали жуда кўп. Жиззах аҳли бағри кенг, қалби қайноқ, ғурурли ва адолатли халқдир. Унинг меҳнатсеварлиги, шижоати ва ғайратини яхши биламиз. Катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишга ишонамиз.

Вилоятнинг истиқболи учун ҳамма аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, ўйлайманки, бу воҳа тараққиёти тезлашади.

Энди фақат имконият ва ҳаракатлар бирлиги, ғоялар ва мақсадлар бирлиги керак. Ана шунда Жиззах ҳам она юртимиз буюк келажаги йўлида, унинг бой-бадавлат, ривожланган мамлакатга айланишида узининг катта улушини қўшади. Иншооллоҳ, ана шундай эзгуниятларимизга етамиз.

(ЎзА).

ҲУНАР МАСКАНИДА ҚУШ ШОДИЁНА

1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилинган кезлардан бошлабоқ буюк бобомиз қутлуғ тўйига Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази жамоаси ҳам қизғин ҳозирлик кўрди. Куни кеча ҳунар масканида Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишлаб «Буюк Соҳибқирон» ҳамда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига етти йил тўлиши муносабати билан «Келажак — тил билганники» мавзуларида байрам кечаси бўлиб ўтди. Тантаналар арафасида марказ кутубхонаси ҳамда тўгарак хоналарида китоблар кўргазмаси ва соҳибқирон ҳаётига оид бурчаклар ташкил этилди. Рефератлар, альбомлар тайёрланиб, «Соҳибқирон Амир Темур», «Куч — адолатдадир» деворий газеталари чиқарилди.

Байрам шодиёнаси мустақил республикамиз мадҳиясини куйлаш билан бошланди. Марказнинг фаол ўқувчиларидан Камола Норметова Амир Темур юбилейи муносабати билан республикамизда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида, жумладан, Темурийлар тарихи Давлат музейининг ҳамда Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларида Амир Темур ҳайкалларининг очилиши, Соҳибқиронининг ҳаёти, фаолияти ва босиб ўтган йўллари тўғрисида яратилган рисолалар ҳақида гапирди.

Ўқувчилар «Тил байрами»га ҳам ўзига хос ҳозирлик кўрган эдилар. Байрамда ташкилотчи ўқувчилардан Шуҳрат Ҳасанов ўзбек тилининг мавқеи, нақадар бой ва чиройли тил эканлиги ҳақида сўзлаб берди.

Тантанада марказнинг инглиз тили, тўқиш, тиқиш, электрон ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш тўгаракларининг аъзолари М. Тошпўлатова, М. Пўлатова, А. Вакилова, Б. Беккулова, Н. Ортиқбоева, Ш. Отабоева ва бошқалар Амир Темур ҳаётига оид саҳна кўринишлари, Соҳибқиронни мадҳ этувчи қўшиқлар ҳамда тил ҳақида шеърлар айтишди.

Кечага ташриф буюрган Республика Халқ таълими вазирлиги мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бош мутахассиси Абдуҳамид Ҳабибуллаев ўқувчиларни табриклаб, Амир Темурдек буюк сиймоларнинг авлоди эканлигидан ғурурланиш ҳар бир ўқувчининг маънавий ҳуқуқи эканлигини, боболардек мард, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлиш ёшлар бурчи эканлигини таъкидлади.

Д. ХЎЖАЕВА.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

(Боши 1-бетда).

парламенти раиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистон бўйича махсус миссияси бошлиғи номига шахсий мактублар йўллади.

1996 йил 16 январь ва 24 октябрда Европа парламентининг сессиясида қабул қилинган қарорларда Афғонистоннинг ички ишларига ҳар қандай аралашишни тўхтатиш, шунингдек, бу мамлакатга қурол-яроғ етказиб беришни халқаро миқёсда тақиқлаб қўйишга даъват қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил февраль ойида Европа парламенти раиси К. Хэншга юборган мактубида Европа парламентининг Афғонистондаги вазиятга бундай эътибори «Европадаги бир қанчаси БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзоси бўлган етакчи мамлакатларнинг Афғонистон диёридаги кўп йилдан буён давом этаётган хунрезликка хотима беришга қатъий иродасининг ифодаси сифатида» баҳоланаётгани қайд этилган эди.

Президент Ислом Каримов Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг шу йил июнь ойида Флоренцияда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашуви доирасида К. Хэнш билан бўлган мулоқоти пайтида Европа ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўлларини излашга жиддий эътибор беришга яна бир бор даъват қилди.

Асосан Ўзбекистоннинг қатъий ва изчил сиёсати туфайли сўнгги пайтда халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонга эътибори сезиларли даражада ошди. Жумладан, Хавфсизлик кенгаши раисининг БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий номига 1996 йил 22 августда юборган мактубида Хавфсизлик кенгашининг аъзолари «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишга кўмаклашишга доир яқинда айтилган таклифларни, жумладан, Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 23 июлда Хавфсизлик кенгаши раиси номига йўллаган мактубида баён қилинган Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш тўғрисидаги таклиф эътиборга олингани» қайд этилади.

БМТ Хавфсизлик кенгашининг шу йил 22 октябрда қабул қилган Афғонистонга доир махсус қарори ҳам шундан далолат беради. Унда Ўзбекистон ва бошқа манфаатдор мамлакатларнинг Афғонистон муаммосини бартараф этишга доир тутган йўл ва таклифлари акс этган. Кўпгина йирик давлатлар, БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни ёппасига ва тўла тақиқлаш тўғрисида Ўзбекистон киритган таклифни қўллаб-қувватлаганини қайд этиш зарур.

Афғонистондаги можарони тинчлик билан бартараф этиш йўллари хусусида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 1996 йил 23 октябрдаги баёнотида тавсифлаб берилган Ўзбекистоннинг қатъий ва изчил йўли кўп мамлакат ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳам мамнунлик уйғотади.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистондаги можарони бартараф этиш йўлларини қидириб топиш мақсадида манфаатдор мамлакатлар билан тез-тез сиёсий маслаҳатлашувларни амалга оширмоқда.

Кейинги пайтда бир қанча мамлакатлар Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказиш тўғрисида турли таклифларни ўртага қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Афғонистонга бағишланган халқаро конференция чақириш ғоясини қувватлайди ҳамда уни ўтказишда фаол иштирок этишга тайёрдир. Бироқ бундай конференция БМТ шафелигида, Ислом конференцияси ташкилоти, шунингдек, бундай анжуманда қабул қилинадиган қарорлар амалга оширилишига кафолат берадиган БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоларининг иштирокида ўтказилиши зарурлиги асосий шарт бўлиши лозим.

Бундан ташқари, конференцияга Афғонистондаги барча ички кучларнинг вакилларини албатта таклиф қилиш лозим. Бир-бирига қарши курашаётган томонлардан бирининг бирон-бир сиёсий мулоҳаза туфайли бу музокара жараёнида иштирок этмаслиги Афғонистонда миллий сулҳга эришиш имкониятини йўққа чиқаради.

Ваколатли халқаро конференцияни чақириш ва ўтказиш барча манфаатдор томонлар иштирокида асосли равишда ва пухта тайёргарлик кўришни тақозо этади.

Бизнингча, фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзигина Афғонистон бўйича халқаро конференцияни ўтказиш вақти ва жойини ҳисобга олган ҳолда бундай анжуманнинг тегишли тартибини ишлаб чиқишга қодир. БМТнинг бундай таклифи барча манфаатдор мамлакатлар ва муҳолиф томонлар учун мақбул бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистонда тинчликка эришиш, бу жафокаш мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш бўйича тинч бунёдкорлик меҳнатига қулай шароит яратиш учун бундан буён ҳам куч-ғайрат сарф-лайверади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 6-ўрта мактабнинг олий тоифали физика-математика фани муаллими Орифжон Обидовнинг 38 йиллик умри мактаб ҳаёти билан боғлиқ. Тажрибали муаллим ҳамон илғорлар сафида боряпти. Ўғил-қизлар ҳузуридаги машғулотлар унга яхши кайфият бағишлайди. Ҳамиша янги мавзуни амалиётга боғлайди, дарсга янгилик олиб киради. Шу боис ҳар бир дарс мунозарали ўтади.

Суратда: О. Обидов ўқувчилари билан биргаликда «Электромагнит тўлқинлар» мавзуида амалий тажриба ўтказаяпти.

Фитрат таваллудининг 110 йиллигига

МАЪНАВИЯТ ИБТИДОСИ ИЙМОНДАН

ЁХУД ФИТРАТ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Республикамиз Маънавият ва маърифат маркази ходимлари билан юртбошимиз учрашувлари, ундаги жиддий суҳбатлар, Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қабул қилган махсус қарори — айни кунларда қўплаб ташкилотларда муҳокама қилинмоқда. Зеро, маънавиятсиз инсоният дунёси ривожлана олмагандай, бусиз рисолаги инсонни тасаввур қилиш қийин. Тажрибалар (ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам) шуни кўрсатмоқдаки, эл-юрт бошига, ҳатто биргина оила ёки шахс бошига тушган, тушаётган кулфатлар ҳам — асли маънавий саёз, ички дунёси тор шахслар, гуруҳлар томонидан содир этилмоқда...

Мақоламиз Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланса-да, нега биз гапни маънавиятдан бошладик? Бу иборанинг Фитрат ва унинг мазкур нишонланаётган санасига қандай алоқаси бор? Фитратдан қолган адабий, маънавий мероснинг бугунги аҳамияти нимада?.. Қуриб турибсиз, саволлар жуда жиддий ва мураккаб. Уларга бир кичик мақолада тўла жавоб бериш қийин. Бироқ газета имконияти ва ўз тушунчаларимиз доирасида бу саволларга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, Абдурауф Фитрат таваллудини нишонлаш ҳақида. Ҳаммамизга маълумки, шўро даврида Фитрат, Чулпон, Абдулла Қодирийлар сингари буюк даҳоларимизнинг номлари бутунлай тилга олинмас, уларга турли айбномалар тамғаси босиларди. Шу йўсин Туркистон халқларининг жаҳон тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари тобора чуқурроқ кўмиб юборилаверарди... Минг шукурки, истиқлол шарофати билан тарихимиз, миллий қадриятларимиз тиклана бошлаганига беш йилдан ошди, бу борадаги ишлар кўз ўнгимизда рўй бермоқда ва жадал давом этмоқда. Буюк бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигини жаҳон миқёсида нишонланаётгани, Тошкентнинг марказида Амир Темур ҳаёти, фаолиятига бағишланган музей қуриб битирилганлиги, унинг байрам кунларида тантанали очилиши — миллий тарихимизнинг тикланиши соҳасида — бизга истиқлолимиз ато этган энг катта кўзгудир.

Агар маънавиятнинг бош омили — иймон дейдиган бўлсак, Фитрат ва унинг сафдошлари, замондошлари сифатида яшаб ижод қилган — Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Чулпон, Элбек, Ғози Юнус каби қатор аждодларимиз ХХ аср бошларида чор Россиясининг Туркистонда мустамлакачилик сиёсати авжга чиққан, ғоят оғир ва мураккаб бир тарихий шароитларда миллий мустақиллик учун кураш ғояларини ёниб таргиб этиларки, бу улардан жуда катта иймон, эътиқод билан бирга ғоят катта жасоратни ҳам талаб этарди. Мазкур сиймолар ўз ҳаётларига ҳар нафас хавфхатар таҳдид солиб турган кезларда ҳам иймон, эътиқоддан кечганлари йўқ, халқимиз, миллатимиз эрки, ривожи, мустақиллиги учун курашларини давом эттирдилар. Шунинг учун ҳам улардан қолган маънавий мерос асрлар оша авлоддан авлодга етиб келмоқда ва бугунги кунда жамиятимиз тараққиёти учун, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Фитрат ижоди ва ҳаёти ҳақида кейинги беш йилларда анча-мунча мақолалар, китоб ва китобчалар эълон қилинди. Ўрта ва олий ўқув юртлари адабиёт дастурларида унинг меросини ўрганиш кўзда тутилиб, дарсликларга киритилган. Аммо булар Фитратдек катта олим, шоир, драматург, ташкилотчи, жадидчилик етакчиларидан бири ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида мукаммал маълумот бера олмайди. Чунки Фитратдек серқирра ижодкорнинг бой маънавий мероси шу қадар кенг қуламли, кенг қамровлики, уларни чуқур ўрганиб, ҳар бири ҳақида алоҳида рисолалар яратиш мумкин... Узимиздаги қилинган ва қилинаётган ишлар кўз ўнгимизда. Чет элларда-чи? Ҳозирча каминага маълуми шуки, Америка, Япония ва Туркияда Фитрат ижодига оид диссертациялар ёзилмоқда, шулардан Истамбул ва Токиода ишлаётган икки аспирант Фитрат ҳақидаги ишларимиздан намуна нусхалар олиб кетишди. Америкадаги тилшунос — аспирант ўзбек олими ҳақидаги китобни юборишни илтимос қилди... Бу мисолларни Фитрат ижодига ривожланган хорижий мамлакатларнинг олимлари нега қизиқиб қолганларини ўйлаш учун келтирдик. Бизнингча, Фитрат маънавий мероси бир миллат қобиғидан чиқиб, аллақачон умуминсоний аҳамият касб этмоқда. Зеро, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чулпон, Беҳбудий ва уларнинг ҳамфикрлари тараққиёт, аввало, миллий тарих, миллий анъаналарда шаклланиб бориб, уларнинг энг илғор нуқталари умуминсоний қадриятларга айланиб кетишини чуқур идрок этганлар. Шу йўл, шу мақсад билан яшаб ижод қилганлари учун ҳам асрлар оша уларнинг маънавий меросларини ўз қимматини йўқотмайди... Фитрат 1910 йилларда Истамбул олий ўқув юртида таълим олаётган чоғларида ёзган («Сайҳа», «Ҳинд сайёҳи», «Мунозара» каби) асарларидаёқ Туркистон халқларининг жаҳондаги энг юксалган мамлакатларнинг фан, маданият, техника соҳасидаги ибратли ютуқларидан ижодий фойдаланмасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмаслигини уқтирган. Ер юзида яшаётган халқлар ўртасида тинч-тотувлик, иқтисодий, маданий, маънавий алоқаларни кенг қуламда йўлга қўйиш муаммоларини кўтариб чиққан. Бу жиҳатдан у Амир Темур давридаги буюк Турон Ғарбий Оврупо мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш билан ривожланишга эришганини алоҳида уқтиради... Жаҳон халқлари ўртасида, турли миллат ва элатлар ўртасида маданий, маънавий алоқалар ўрнатиш ХХ аср бошларида авжга чиққан жадидчилик ҳаракатининг моҳиятидан келиб чиққан ва бу ғоя Фитрат, Беҳбудий, А. Қодирию Чулпондан тортиб барча илғор ўзбек зиёлиларнии ўзига жалб этган эди. Юртимизда буюк Слҳибқирон Амир Темур руҳи — Истиқлолимиз шарофати билан қайта тикланаётган, номига кўчалар, музейлар, ҳайкаллар қўйилаётган, орденлар таъсис этилган. Соҳибқироннинг шахсан раҳбарлигида қурилган улкан обидалар таъмирланиб, асли ҳолатига келтирилаётган бир тарихий вазиятда — бундан қарийб салкам бир аср муқаддам — айни Октябрь тўнтариши рўй бераётган кунларда Темур руҳини, шаънини кўкларга кўтарган Фитрат сиймосини бир кўз ўнгимизга келтирсак, ҳайратга тушамиз. Зеро, Октябрь тўнтариши, компартия ва унинг ҳамма етакчилари — инқилобдан илгариги бутун тарихимизни, айниқса, Амир Темур сингари буюк аждодларимизни кўмиб юборишга очиқдан-очиқ ҳаракат бошлаган 1917-1918 йиллардаёқ Туркистон бошига кетма-кет туширилаётган фожиалар Фитрат ва унинг сафдошлари қалбини ўртаган. Шу боис у халқни, энг аввало, ёшларни бу даҳшатлардан қутилиш учун курашга чорлайди, буюк Темур барпо этиб, доғини жаҳонга ёйган Туронни даҳшатлардан қутқаришда Темур руҳидан мадад сурайди. («Юрт қайғуси» туркумидаги мақолалари ва «Темур саганаси» номли саҳна асарида, «Бедил»да шу ғоялар акс этади).

Фитрат маънавиятининг олий нуқтаси — Турон юрти, аҳолисини мустақил ривожланган, жаҳон миқёсидаги энг илғор давлатлар, мамлакатлар, халқлар қаторига олиб чиқиш учун курашмоқдан иборат эди. Бу мавзуда 1917-20-йилларда ёзган «Шарқ», «Шоир», «Миррих юлдузига» сингари қатор шеърларида, 20-йилларда ёзган «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари», «Бедил» (Бир мажлисда), «Шайтоннинг тангрига исёни», «Абдулфайзхон», «Арслон», «Рузалар» каби бир қатор асарларида шундай фалсафий мушоҳадалар ифодаланадики, биз ҳамон уларнинг мағзини етарли чақолганимиз йўқ. Эътибор қилинг, Афғонистон ва Ҳиндистондаги дин-мазҳаб, қабилавий жанжаллар, Россиядаги гуруҳбозликлар, ислоҳотчилар билан коммунист Фракциялари ва уларнинг собиқ СССРни тиклашга уринишлари каби воқеаларни Фитрат гўё кўриб тургандай, ўз маънавий мероси билан бирга кумаклашади... «Шарқ» шеърида Турон элини босқинчилар томонидан талон-тарож қилиниши, эл-юрт вайрон қилиниб, барча бойликлар ташиб кетилаётгани ифодаланса, «Миррих юлдузига» шеърида — ноинсофлик, иймонсизлик босиб кетган ердаги воқеа-ҳодисалар осмонда ҳам бормикан, деб хитоб қилади Фитрат... «Шоир» шеърида бутун жаҳон фожиаларини қалбига сиғдириб, инсоният тақдири ҳақида ғам чекаётган буюк сиймо қиёфасини ифодалайди. Энди «Бедил», «Умар Ҳайём», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари»да эса миллий озодлик, миллий мустақиллик энг олий мақсад асли жаннат шудир деган ғоя жаҳон миқёсида байроқ қилиб кўтарилади. Бугина эмас, Фитрат мустамлакадаги халқлар бошига тушган фожиалар даҳшатини санаб кўрсатади. Унда қутулиш учун ўзаро гуруҳбозлик, дин, мазҳаб, қабила тафовутларидан қатъий назар яқдил булиб уюшқоқлик ва тотувлик билан курашмоқ лозимлигини ёниб куйлайди.

Мана бу сатрларга бир эътибор беринг: «... Жаннат шу кунларки, эрк, озодликдан бошқа нарса эмасдир» («Бедил», 27-бет). «Ишсиз (ҳаракатсиз А. А.) ётганлар бутун дунёнинг оёқлари остида қолурлар! «Ётлар косаларини сувнинг тўлқинлик еридан тўлдирадилар-да, булоқ эгаси сувсизликдан жон берадир». (Уша китоб, 44-бет). Фитрат мазкур асарида (бошқаларида ҳам) ожизлик, қўрқоқликни ғазаб билан қоралайди, ёвузликка қарши, босқинчиликка қарши очиқ курашга даъват этади: «Тўлқин, сел ҳар томонни йиқитмоқ учун узун бир қўлдир. Бироқ ўз ҳунарини эскирган, негизи чириган уйларга курсатадир. Тоғлиқлар, тошлоқлар орасинда йўл очилса, ҳар тошдан бошига бир таёқ ейдир». «Юмшоқликнинг насибаси — офатга учрамакдир... сувни қулайгина ютадилар, чунки унинг суяги йўқдир. Қаттиқлигидан қўрқмасалар, тошни ҳам сув каби ютар эдилар» (Уша китоб, 47-бет ва ҳоказо).

«Ҳинд ихтилочилари»да Лолаҳардиёл тилидан босқинчиларнинг Ҳиндистонга солаётган фожиалари шундай ифодаланади: «... Улусимиз эзилиб битди... Букун ўлкада қўйдан ортиқ одам кесиладир. Омонлик, тинчлик, эрк деган нарсани кимса билмайдир. Мачитта намоз учун йиғилғонлар сиёсий йиғин ёсоғон булиб тўпга боғланалар... «Лолаҳардиёлнинг бу гаплари ёшларни, бутун халқни босқинчиларга қарши курашга чорлайди, агар курашмас экансиз, улимингизни кутингиз, дея ўз фикрини якунлайди...

Мана, сизга Фитрат маънавий меросида айрим намуналар. Қисқа қилиб айтсак, Фитрат ижодий фаолияти ҳақида сўз кетганда, унинг бугунги маънавиятимизни ривожлантиришда қай даражада аҳамият касб этиши шу намуналардан ҳам кўриниб туради.

Аҳмад АЛИЕВ.

СУРАТДА: Абдурауф Фитрат.

М. ЖЎРАЕВ ишлаган расм.

ТАВАЛЛУД ТЎЙИГА БАҒИШЛАНДИ

Бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Тошкент давлат молия институти қошидаги молия лицейида йиғин утказилди. Унда институт ва лицейнинг етакчи домлаларидан профессорлар Э. Эсонов, Х. Жумаев, доцентлар Э. Маъмуров, Т. Аҳмедов ва бошқалар қатнашдилар.

Лицей ўқувчилари тадбирга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келдилар. Улар Амир Темур ҳақида рефератлар ёзиб, деворий газеталар чиқардилар. Лицей ўқувчиси Н. Қулдошева «Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти», Э. Маъмуров «Амир Темур ва темуриийлар даврида фан ва маданият» мавзуларида маъруза қилдилар. Йиғинда лицей ўқувчилари бобомизнинг тузукларидан парчаларни, А. Ориповнинг «Темур» шеърини ёддан ўқиб бердилар.

Асомиддин ҲАҚНАЗАР ўғли.

ҚИЗИҚАРЛИ АНЖУМАН

Куни кеча Тошкент шаҳридаги Лаҳл Баҳодир Шастри номидаги 24-ўрта мактабда маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган йиғин ўтказилди. Унда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими вакиллари, олимлар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари қатнашишди.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар таълимдаги асосий тамойиллар, экологик тарбия, она ерга меҳр, сўз — ҳаёт манбаи, қадриятлар ва келажак мавзуларида маъруза қилдилар.

Маъруза ва муҳокамалардан сўнг мактабнинг бир гуруҳ илғор ўқитувчилари узларининг маҳоратларини очиқ дарсларда намойиш этдилар. Анжуман иштирокчилари бу дарсларга ижобий баҳо беришди. Улар, айниқса, инглиз тилида дарс олиб борган муаллима Раъно Акромова маҳоратини алоҳида қайд этишди.

Анжуман якунида ўғил-қизлар ушбу мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Муҳаббат Расулова бошчилигида А. Ориповнинг «Соҳибқирон» номли шеърий драмасидан парчалар ижро этдилар.

Дилдора ЖЎРАЕВА.

Мактабгача тарбия муассасаларида

«НИҲОЛ»ДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Соғлом болагина таълим-тарбия олишга лаёқатли бўлади. Шу боис А. Икромов туманидаги «Ниҳол» болалар яслисида бу масалага эътибор жуда кучли. Ясли мудираси Ирина Байсалова тарбиячилар билан биргаликда болаларнинг жисмонан соғлом ўсишларини таъминлашга қаратилган. «Соғлом авлод учун» истиқбол режасини тузиб олишган. Истиқбол режасини тузишда, «Мактабгача тарбия концепцияси»да кўрсатиб ўтилганидек, бола яшаб, нафас олаётган ҳаво, атроф-муҳитнинг экологик ҳолати, яйраб-қувнашлари учун ўйин ва машғулотларнинг қизиқарли бўлиши, сифатли, тўйимли овқат ейишлари ва бошқа имкониятлардан унумли фойдаланиш кўзда тутилган.

Ясли жамоаси болаларнинг дунёқарашларини ўйин фаолияти орқали шакллантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишди ва ота-оналар билан олиб борадиган ишларни тарбиявий ишлар режасига киритишди. Бу ишларнинг барча шакллари — гуруҳ мажлислари, маърузалар ва суҳбатлар, консультациялар, болаларнинг уйларига бориш, кўргазмали педагогик ташвиқот воситалари, яъни стендлар, кўргазмалар, ота-оналар бурчакларини безатиш ва бошқа юмушлар йўлга қўйилди.

Ота-оналар ҳам қараб турмадилар. Улар ўйин фаолияти учун катта ўйин мебелларини ясаб бердилар. Бу мебеллар тўплами болалар ўйин фаолиятининг ривожланиб боришига ёрдам бераётир. Шунингдек, ота-оналар болаларига ясли ҳовлисида ишлашлари учун болалар ёшига мос кетмончалар, белкураклар ва болғачалар ясаб беришди, қўғирчоқлар учун мавсумий кийимлар тикиб беришди. Бу нарсалар бугунги кунда болалар сенсор тарбиясининг ривожланишида яхши натижалар бермоқда.

Ясли жамоасининг ота-оналар билан ҳамкорлиги фақат ясли шароитини яхшилаш билан чекланиб қолмай, балки бола тарбиясида учрайдиган муаммоларни биргаликда ҳал қилишда ҳам намоён бўлаётир. Мураббиялар ота-оналардан бола тарбиясидаги тажрибалари, болалар уйда ўзини қандай тутишлари, оиладаги шарт-шароит, ахлоқ-одоб, бола тарбиясида учрайдиган қийинчиликлар ҳақидаги маълумотларни йиғиб, ўз фаолиятлари давомида бунга алоҳида эътиборни қаратмоқдалар.

Шу важдан бу масканда олиб борилаётган ишларнинг барчаси жамоанинг изланувчан ва ишчанлигини, ҳар бир тарбиячининг ижодкорлигини кўрсатади.

Яслида икки йилдан бери жисмоний тарбия машғулотлари «Камалак» дастури асосида олиб бориляпти. Дастур вазифаларини тўлиқ амалга ошириш учун жамоа томонидан кўпгина ишлар қилинмоқда. Жумладан, жисмоний тарбия анжомлари жойлашган бурчаклар ташкил қилинди, «Жисмоний тарбия залига «Кичкинтой» спорт анжоми ўрнатилди. Махсус жиҳозлар ва қурилмалардан ташқари болаларни ҳаракат қилишга ундовчи ўйинчоқлар (коптоклар, машиналар, аравачалар) билан таъминланди.

Боғча жамоаси доимий изланишда. Масалан, услубчи Г. Дорофеева тарбиячилар билан биргаликда янги дастур асосида ноанъанавий машғулотлар ишланмаларини иш режасига киритди. Айни кунларда бу машғулотлар мунтазам ўтказиб борилмоқда. Умуман, «Ниҳол»даги изланишлар тарбиявий ишда эришилаётган ютуқларнинг омили бўлаётир.

Ғулчеҳра МУСУЛМОНҚУЛОВА.

МАТБУОТ — ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТ МАҲСУЛИ

3. Саидаҳмад НАЗИРОВ: 1924 ЙИЛДАН ТУРКИСТОННИ ПАРЧАЛАШ БОШЛАНДИ

Гапга Мумтоз Муҳаммад ўғли аралашади:

— Мен Саидаҳмад Назировни асосан 1928 йилнинг охирларидан билардим. У ўрта бўйли, оқишдан келган, виқор билан сўзловчи, ҳамиша кулиб туралиган илиқ муомалали инсон эди. Аммо сўзлари пухта ва маъноли, ҳаракатчан, айттанини қиладиган зиёли эди. Шунинг учун ҳам уни Мунаввар қори жуда яхши кўрар, унга ўта қийин ва чигал топшириқларни ҳал этишни топширарди. 29-йилда ўша Саноат академиясининг оғир саноат технологияси факультетини битириб келгач, Акмал Икромов буйруғи билан яна Морозов номидаги Самарқанд типографиясига мутасаддилик қила бошлаган эди. Ана ўшандан кейин китобларни Бокуга олиб бориб чоп эттириб келиш тўхтатилганини биламан.

— Мен Саидаҳмадни Самарқандда Эрлар педбилим юртида ўқиб юрган кезларим — 27-йиллан биламан. Бу даврларда унинг «Зарафшон» газетасида босилган матбуотнинг ривожига, ўзбек тили муаммоларига бағишланган анча-мунча мақолаларини ўқиганман. Тилда сингармонизм ҳодисасини сақлаб қолиш кераклиги тўғрисидаги Қайюм Рамазон ва Мунаввар қориларни фикрларини қувватлаган имло тўғрисидаги мақоласини 28-йилда «Маориф ва ўқитувчи» журналида ўқиганим бор. Билишимча, бу чиқишлар ҳам Саидаҳмадни қатағон қилди...

— Ҳозир Саидаҳмаддан фарзандлар, қариндош-уруғлар қолганми? — савол ташлайди Мумтоз ака ачиниш оҳангида.

— Аниқ биламан, — дея изоҳ бера бошлади Сулаймон Азимов, — ундан фақат бир ўғил бор эди. Исми Пўлат эди. Саидаҳмад 1924 йилнинг ёзида Собира Холдорова деган ниҳоятда келишган, гўзал қизга уйланди, тўйи Тошкентда бўлди. Тўйда Абдулла Қодирий, Элбек, Салимхон Тиллахон, Аъзам Айюб, Мўмин Усмон, Зиё Саид, Қурбон Берегин, Абдураҳмон Боиш, Мирмуслим Шермуҳаммадлар қатнашган эди. Мен уларга чой ташиб хизмат қилганим кечагидай эсимда. 1925 йилнинг кузроғида Саидаҳмад ва Собирахонлар ўғил кўришди. Унда пўлатдек маҳкам бўлсин деб Пўлат номини берилган. Бола эндигина 4 ёшга тўлганида отаси — Саидаҳмални «миллатчи» Мунаввар қорининг думи, «Миллий иттиҳод»нинг фаол аъзоси, нашрлар орқали шўроларга қарши курашган киши сифатида 1929 йилда қамоққа олинган эди. Шу-шу бу истиқлолчи отилиб кетди.

Журналист ва катта матбаачи Саидаҳмаднинг авлод-аждодларини қилира бошлаймиз. Топамиз. Булар кимлар? Ўқинг:

Собира Холдор қизининг фарзанди Манзурахон Усмоновани топаман. У ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб етишиб чиққан физика-математика фанлари доктори, профессор. Ядро физикаси институтининг лаборатория мудири, таниқли олима. 1932 йилда туғилган. Бошқача қилиб айтганда қатағонга учраб 1938 йилда отилиб кетган машҳур журналист Мўмин Усмоннинг қизи.

Опа билан учрашгач, фикрларимизга ойдинлик кирди. Манзурахон кўзи тўла ёш билан жавоб қила бошлади берган саволимизга тортинчоқлик билан.

— Ўтай отам Саидаҳмад 1931 йилда отилиб кетгач, онам менинг отам Мўминжон Усмоновга турмушга чиққан эканлар. Ўша пайтда акам Пўлатжон 6 яшар бола бўлган экан. Акам 37-йилгача Назиров эмас, балки менинг отам фамилиясида Усмонов бўлиб келган. Сабаби Саидаҳмад Назиров «халқ душмани» бўлганлиги учун, унинг номида юриш ман этилган эди. 37-йилда менинг отамни ҳам «миллатчи», «пантуркист» сифатида қамоққа олишди. Мен 5 яшар қизча эдим. Ака-сингил бўлиб турманинг болалар уйида яшаганмиз. Бизни олишиб кетган эдилар. Орадан сал вақт ўтмай онам Собира Холдоровани ҳам «халқ душман»ларининг хотини, матбуот орқали шўроларга қарши курашганликда айблаб, қамоққа олиб кетишди. Биз чир йиғлаганча қола берганмиз...

Акам Пўлатжон 1941 йили «халқ душманининг боласи» бўлиб юрганимдан кўра «халқим учун фашистларга қарши жангга бораман. Ана ўшанда ким халқ душманининг боласи эканлигини билишар...» деган ният билан ҳарбий комиссарликка ариза берган ва урушга кетган. Урушдан бир неча орден ва медаллар билан инвалид бўлиб қайтдилар. Шундай қилиб акам Пўлатжон 1979 йили уруш жароҳатларию 30-йиллардаги юрак жароҳатлари қийноқлари билан ўлиб кетдилар. Акамдан Темуржон исмли бир ўғил ёдгор бўлиб қолган...»

Яна унинг авлодларини қидирамиз. Сайфура опа ва Ёқубжон исмли Саидаҳмаднинг жиянларини топамиз. Улар Тошкентнинг Чилонзорида, Гагарин кўчаси, 66 уй, 27-хонадонда истиқомат қиладилар. Ёқубжон Юсупов 1911 йилда Тошкент шаҳрининг «Тарновбоши» маҳалласида, отаси эса ҳозирги Навоий кўчасидаги Шайхонтоҳур даҳасида — олдинги киностудия ўрнида таваллуд топган. Сайфура опа 1917 йилда туғилган бўлиб, у Ёқубжон аканинг синглисидир. Опа узоқ йиллар Тошкентнинг «Жаркўча»сидаги дорихонада мудирлик қилган, ҳозир нафақада. Ёқубжон ака эса, «Ўздавнашр»нинг Кимё устахонасида, телестудияда нуфузли лавозимларда ишлаган. Ҳозир 85 ёшдалар. У киши ўз тоғалари Саидаҳмад ҳақида билган, кўрганларини қуйидагича ҳикоя қилдилар:

— Менинг онам Раҳбархон тоғам Саидаҳмаднинг опаси бўладилар. Бу ўтган Сайфура ҳам менинг синглим. Бувамиз иморат устаси бўлганлар. Тоғамиз балоғат ёшига етиб Собира келинойимизга уйланганларидан сўнг ўша 20-йиллар ўрталарида, ҳозирги Тошкент шаҳари ҳокимлиги биноси жойлашган ерда — «Зирабулоқ» кўчасидаги ҳовлида яшашган. Бу ҳовлида Элбек, Ғози Юнус ва бошқа ёзувчи-журналистлар туришган эди. Тоғам 1920 йилда ҳозирги Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси жойлашган бинода — Маориф институтида ўқиган ва ўзи ҳам дарс берган. Буларни аниқ биламан. Дастлаб бу бино бир қаватли эди. 1940 йилда унинг устига янги қаватлар қўйилди. 21-йили олдинги педбилим юрти Маориф институтига айлантирилди. Катта тоғамиз, яъни Саидаҳмаднинг катта акаси 1926-1929 йилларда «Иноғомовчи» сифатида икки марта қамалган эди. Қутилиб келгач, саноат банкида, ғишт заводида ишлаб юрди. 1937 йилда такрор қамоққа олиниб, «аксилинқилобчи», «шўро душмани»нинг акаси, икки марта қамалган зараркунанда сифатида 1938 йилда отиб ташланди. Тоғам Москвада Бородинскда яшаган эдилар. Мени олиб кетиб ўша ерда ўқитганлар. Буни унутмайман...

Аниқ эсимда қолган эдики, шу 1929 йилнинг боши эди, қамалишидан сал олдин, унинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида бир мақоласи босилди. Бунда «Колхозга кириб ишлаш мажбурий эмас, партиянинг талаби шу. Хоҳловчилар жамоа хўжалигига кириб ишласин», деган гапларни фирқа марказқўми айтяпти, нега энди қишлоқларда партиянинг бу принципига қарши чиқилмоқда? Буни қайта кўриб чиқиш керак», деган фикрлар берилган эди. Унинг бу фикрлари қамалиб кетишига сабабчи бўлган эди.

Аниқ биламан, тоғамни 1929 йилнинг февраль ойида, ҳали қиш эди кечаси НКВД ходимлари олиб кетган эди. Бу вақтда ҳам тоғам «Ўздавнашр» директори эдилар. Тоғамга яна у раҳбар бўлган нашриётда кўплаб сиёсий китоблар хато ва нуқсонларга тўлиб чиққанликда «айб»лар қўйилган эди. Тоғам Мунаввар қори, Асадиллахўжа, Салимхонлар билан бир кунда қамоққа олинган ва бир вақтда отиб ташланганлиги ҳақида одамлардан эшитганмиз. Аммо қачон отилгани бизга аниқ маълум эмас эди, шу кунгача ҳам...

Дарҳақиқат, Саидаҳмад Назиров йирик сиёсатдон олим, ташкилотчи журналист ва педагог Мунаввар қорининг яқин маслакдоши, йирик таржимон катта журналист Наим Саидининг орадан қил ўтмайдиган дўсти эди. Наим Саид билан Москвада ҳам доим бирга юрган, дарсларни бирга тайёрлаган эди. Бу ерда Акмал Икромов билан Наим Саид томонидан ташкил этилган «Гап» аксилинқилобий гуруҳнинг фаол аъзоси сифатида Тошкентдаги «миллийистиқлол» гуруҳи билан боғланган, икки орада фикр алмашиниш воситаси сифатида иш қиларди.

Саидаҳмад ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятида биринчи навбатда большевикларнинг 1924 йилдан бошлаган бегуноҳ, ўткир зиёлиларимизнинг қатағон этишларига очиқ қарши чиққан. Раҳим Иноғомов Республика Халқ таълими комиссари бўлса ҳам уни қамоққа олинишига қарши чиққан исъёнкор эди. «Миллий истиқлол» шўроларга қарши гуруҳнинг, шахсан Мунаввар қорининг туркистонликларни эркин, мустақил яшаш ғоялари асосидаги «Туронни бирлаштириш» ниятига амал қилиб иш тутган иймонли зиёли эди. У Туркистонда 1921 йилда Мунаввар қори, Салимхон Тиллахон, улар саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган миллий пулимизнинг шўролар томонидан бекор қилинганлигига қарши чиққан эди. Иккинчидан, матбуот эркинлиги, нашриётлар мустақиллиги ғояларини кўтаришда анча куч сарфлаган инсон бўлиш билан бирга, ўша 25-йилдан оммалаша бошлаган қишлоқлардаги совхозлар ва 29-йилдан колхозлаштириш қурилишига қарши чиққанлардан, якка хўжаликлардан тортиб олинган ерларда жамоа хўжаликларини ташкил этиш ва кишиларни мажбуран колхозларга тортиш ишларига тиш-тирноғи билан қарши чиққан зиёли эди.

Мана бу сифатлар билан Саидаҳмад 21 февралида КГБ ходимлари томонидан қамоққа олинган эди.

1930 йилнинг 18 ноябрида Москвада бўлиб ўтган терговдаги савол-жавобдан баъзи лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

Терговчи: Жиноятчи Саидаҳмад Назиров, ростини айт, Шўронинг энг ашаддий душмани, аксилинқилобчи Мунаввар қори билан қачондан боғлангансан? «Миллий истиқлол»нинг аъзолари кимлар эди ва улар қандай топшириқларни бажаришар эди? Мана шулар ҳақида гапир.

Саидаҳмад: Мунаввар қори билан мен 1916 йилдан, Жиззах кўзғолони ва шу йили Тошкентда бўлган мардикорга олиш тўпалонларида танишганман. У ўткир ҳуқуқшунос ва сиёсатчи. У 1919 йилда «Миллий иттиҳод»ни шахсан ташаббускори сифатида танилган ва бу ташкилотни тузган. Унга Фитрат, Рамзи, Салимхон, Асадуллахўжа, мен ҳам иштирок этганмиз. Ташкилотнинг қиладиган ишлари дастурини ҳам шахсан Мунаввар қорининг ўзи ёзган.

Ташкилотнинг аъзолари жуда кўп. Жумладан: Чўлпон, Носир Саид, Обид Саид, Наим Саид, Қаюмхўжа, Отажон Ҳошим, Турғунпўлат Қирғизов, Элбек, Мўмин Усмон, Қурбон Берегин, Зиё Саидлар...

Терговчи: Буларга кимлар топшириқлар бериб турарди ва қандай топшириқлар?

Саидаҳмад: Москвадан Акмал Икромов, Турғунпўлат Қирғизовлар ҳамда Тошкентдан Мунаввар қори, Ғози Олимлар турли топшириқлар беришарди. Булар қандай топшириқлар эканлигини мен билмайман. Менга биллиришмас эди. Топшириқ олганлар бир-бирларига бажарадиган ишларини айтишмас эди. Шахсан мен Мунаввар қорининг «Сен қишлоқларга бориб колхозга кираётган фуқароларга кирмаслик тўғрисида тушунтиришлар олиб борасан, сенинг вазифанг шу», деган топшириғини олганман. Шу асосда мен Самарқанднинг Пойариқ, Хатирчи, Каттақўрғон туманларида фуқароларга «колхозга кириш мажбурий эмас, ихтиёрий. Колхозга ким аъзо бўлса меҳнати ҳам, топгани ҳам, ҳатто хотини ҳам умумий бўлади, шунга рози бўлсанглар кира берінглар» деб айтганим рост.

Терговчи: Гапингнинг ярми хато. Ёлғон айтяпсан. Шерикларинг олган топшириқларни ҳам яхши биласан. Булар ҳақида тўлиқ маълумот бер.

Саидаҳмад: Билсам айтаманда, билмайман.

Терговчи: Акмал Икромов сенинг дўстинг, буни биламиз. Бу қилган нотўғри ташвиқотинга ҳеч нарса демадими? Ундай ишларни қилма, жавобгар қиламиз ҳам демадими?

Саидаҳмад: Унинг бу топшириқлардан хабари йўқ эди. Билмасди. Мунаввар қори берилган топшириқнинг ижросини фақат ўзи биларди. Агар Акмал Икромов билганида эди, мени ўша куни партиядан ўчириб, қамарди, бунга ишонаман. Кейинги пайтларда у билан бутунлай алоқани узганман.

Терговчи: Шунга тўла ишонасанми? Бундай, яъни 28-йилда «Ўздавнашр» учун материал базаси яратиш, Боку ва Москвадан ҳарфлар, белгилар келтиришинг учун топшириқ берган экан-ку, бунга нима дейсан?

Саидаҳмад: Бу деган сўз булар яқин дўст дегани эмас-ку. Партиявий топшириқ-ку. Унинг эндигина раҳбар бўлаётган онлари эди. Аммо ишонаманки Икромов нотўғри ишларга, лўттибозликка қўл урмайди, у ҳалол одам...

Терговчи: Шўро ҳокимиятини ағдариб Туркистонни қайта тиклаш, уни мустақил давлат қилиш тўғрисидаги Мунаввар қорининг фикрларини қўллаб-қувватлаганинг тўғримі? Коллективлаштиришга қарши чиққанлигинг ҳам тўғрими? Ана шулар ҳақида гапир.

Саидаҳмад: Коллективлаштиришга қарши чиқмадим, фақат партиянинг колхозларга мажбурий йўл билан олиб киришга эҳтиёт бўлиш керак», деган кўрсатмасига амал қилдим холос. Ахир, Шўро ҳукумати Туркистонни Автоном қилди. У энди мустақил давлат бўлиши, ўз эрки ўз қўлида бўлиши керак-ку, шу нуқтаи назардан уни парчалаш ярамаслиги керак-ку. Қилинаётган ишлар амалда 1924 йилдан Туркистонни парчалашга ўтилди. Мен бунга қарши чиқанман, буни тан оламан. Аммо Шўрони ағдариб ташлаш ҳисобига Туркистонни тиклашни эътиборга олмабман, бу тўғри...»

Кўриб турибсизки, ушбу тергов савол-жавобларининг руҳи таҳлил ва изоҳга муҳтож эмас. Терговнинг руҳида фақат битта масала — «Ёш Шўро»ни сақлаб қолиш учун, муштумзўрликни авж олдириш асосида ерли халқларни муте қилиш, бу билан янги типдаги ва мазмундаги Шўро мустамлакачилик сиёсатини барқарорлаштириш эди. Бунинг асосида эса, бошқа ўлкаларда бўлгани каби Туркистон, шахсан Ўзбекистон фуқаролари меҳнатини эксплуатация қилиш асосида ишламай тишлашни, ит ётиш мирза туришни, тўраларча турмуш кечиришни амалга ошириш эди. Бу нарса муштумзўрлик билан амалга оширилди ҳам. Бунинг оқибатида минг-минглаб бегуноҳлар йўқотиб юборилди.

Шундай қилиб, атоқли журналист, ташкилотчи матбаачи ва етук сиёсатдон Саидаҳмад Назиров юқоридаги каби телбанамо тергов савол-жавоблари, ёлғон ва бўҳтонлар аралаш кўргазмалар асосидаги «ҳужжатлар» негизида бу дунёдан кетди — уни 1931 йилнинг 25 августи куни Москвада 18 дақиқалик суд жараёнида отувга ҳукм этилди. Ҳукм ўша куни ижро этилди. Ўша куни суд жараёнида Мунаввар қори, Асадулла Хўжаев, Салимхон Тиллахон, Ғанихон Ҳамидхонов сингари 15 киши «учлик»лар томонидан отувга ҳукм этилдилар ва ёруг дунёни Шўро босқинчиларига — сиёсий қотиллар

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ЖУМАБОЙНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ

ёхуд қалъаларда уюштирилган дарслар

Ватан остонадан бошланади. Ватанни севиш, тарихимизни, буюк аждодларимизни ардоқлаш ва бу фазилатни ёшларда ҳам тарбиялаш — инсоний бурч. Биз ҳар куни учрашадиган, суҳбатлашадиган кишилар орасида меҳнати кўзга унчалик ташланмайдиган, назарга кўпам тушавермайдиган, ишлари билан ҳаммамизга ўрнак бўлгулик инсонлар бор.

...Беруний шаҳридаги Собир Раҳимов номли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Жумабой Давлатмуродовнинг синфхонасига киришингиз билан унинг ўз ишига нақадар меҳр қўйгани дарҳол сезилади. Қўргазмалар, стендларнинг аксарияти унинг изланишлари самарасидир. Кўпгина материаллар Амир Темурнинг 660 йиллиги, Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1025 йиллигига бағишланган. Энг диққатга сазовор жойи — туман ва қўшни туманлардаги кўҳна қалъалар тарихига оид маълумотлардир. Ҳар бир қалъа фотосурати, бу қалъа ҳақидаги маълумотлар кишини ўйга толдиради, ўтмиш ва бугун билан таништиради.

Маълумотларни ўқиб, фотосуратларни кўздан кечирар эканман, Жумабой бир суратга эътибор беришимни сўради. Элликқалъа туманидаги бир қалъа. Пахтазорда кўкраги нишонларга тўла бир неча раҳбар. Пахтазор шундоққина қалъа деворлари этагига тутташиб кетган.

— ЮНЕСКО назоратига олинган қалъаларимиз бор. Узимиз-чи? Албатта, бу бир неча йиллар олдинги фотосурат. Лекин ҳозир ҳам ана шундай тарихий ёдгорликларимиз тақдири кўпчиликни ташвишга солянти, — деди Жумабой.

Жумабойнинг тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш ҳақидаги мулоҳазаларини тинглар экансиз, бугун бу иш ҳақида ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро ўйлаши, амалий иш қилиши кераклигини чуқур ҳис қиласиз.

1998 йилда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1025 йиллиги нишонланади. Бу муҳим санага Беруний туманида қизғин тайёргарлик кетянти. Шаҳарда Беруний комплекс музейини қуриш режалаштирилган. Аммо маблағ масаласи муаммо бўлиб турибди. Балки бу муаммони яқинда ташкил этилган «Беруний авлодлари» жамғармаси орқали ҳал қилиш мумкиндир. Жумабой Давлатмуродов ҳам бу муҳим санага «Берунийнинг фалсафий қарашлари» деб номланган илмий иши билан тайёргарлик кўряпти. Уларнинг бир қисми туман рўзномасида ёритилди.

Уқувчиларнинг ҳурматини қозониш осонми? Йўқ. Дарс ўтиш енгилми? Йўқ. Маҳаллий маълумотлар тўплаш-чи? «Йил ўқитувчиси» танловида ўрин учун эмас, ўз тажрибасини кўрсатиш учун иштирок этиш-чи? Буларнинг ҳаммасидан ортиб, Жумабой тарихимизни ўрганиш учун ҳам вақт топади.

Яқинда у ўқувчиларни Хоразмшоҳлар даврида қурилган Қўрғон-қалъа, тўртинчи асрда подшоҳ Ал-Фил томонидан қурилган Фил қалъасига саёҳатга олиб чиқди. Тўғрисини айтганда, бу саёҳат таъбир жоиз бўлса — дарс натижаси кутганидан ҳам зиёда бўлди. Мазкур тадбир натижаси ўлароқ, болалар Жумабой Давлатмуродов раҳбарлигида барча қалъаларга саёҳатлар уюштириб, қадимий ёдгорликларимизнинг ҳозирги аҳволи, уларни муҳофаза қилиш борасида нима ишлар қилиш кераклиги тўғрисида маълумотлар йиғишга қарор қилдилар. Ҳар ҳолда бу маълумотлар билан қизиқадиган бирон ташкилот топилиб қолар. Ахир, қанчаданқанча жамғармалар, уюшмалар ташкил этилган-ку?...

Жумабойнинг ишлари билан танишиб, режалари ҳақида суҳбатлашар эканман, бошқа ўқитувчи билан бўлган яна бир суҳбат ёдимга тушди. Аниқроғи, собиқ ўқитувчи.

— Ҳозирги ўқувчиларга дарс бериш жуда қийин, — деб нолиганди у бозорда шоколад ва сақич сотиб ўтирган жойида. — Улар адабиёту алгебрадан кўра пулдан пулни кўпайтириш ҳақида ўйлаб юришади.

Бу ўқитувчилик касбини ташлаб кетишга бир баҳона холос. Аслида булар маърифат кучасига адашиб кириб қолганлардир ва уларнинг бу соҳани тарк этганлари ҳам маъқул иш. Жумабой Давлатмуродов каби минг-минглаб ўқитувчилар эса тўғри йўлни танлаб тўғри кетаётганлар сирасига киради.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Футбол

«НАВБАҲОР» — ЧЕМПИОН

Яна бир турдан сўнг, яъни 7 ноябрь куни олий табақа футбол карвони ўз манзилига етиб келади. Чемпионат якунланишига бир тур қолганда эса олтин, кумуш ва бронза медал эгалари маълум бўлди. Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси футболчиларини, уларнинг устозларини ҳамда минглаб мухлисларини бешинчи миллий чемпионатимизнинг ғолиблик унвони билан муборакбод этамиз. «Навбаҳор» клуби футболчилари бешинчи миллий чемпионатнинг тўртинчи турида пешқадамликни ўз қўлларига олиб, бугунги кунгача ўтган 166 кун мобайнида турнир жадвалининг биринчи поғонасини ҳеч кимга бермай келдилар. Улар ўн беш учрашувнинг ўн учтасида ғолиб чиқиб, икки ўйинни дуранг билан якунлади.

Кеча Наманган шаҳридаги «Навбаҳор» стадионига тўпланган минглаб мухлислар «Навбаҳор»ни ўз спорт тарихидаги биринчи чемпионлик унвони билан қизғин қутладилар. Наманганлик футболчилар мухлислар кўнгилларидагидек ўйин кўрсатиб, «Янгиер» клубини 5:1 ҳисобида енгишди ва сўнгги тур олдидан 73 очко жамғардилар.

Мамлакатимизнинг тўрт карра чемпиони «Нефтчи» жамоаси кеча Жиззахда «Сўғдиёна» жамоасига қарши майдонга тушдилар. Учрашув меҳмонлар устунлигида ўтди. 4:1 ҳисобида ғолиб чиққан «Нефтчи» жамоаси 29 учрашувдан сўнг 69 очкога эга. Сўнгги турда фарғоналик футболчилар Марғилоннинг «Атласчи» жамоасини қабул қиладилар. Мусобақа «Нефтчи» фойдасига ҳал бўлган тақдирда ҳам улар 72 очко жамғара олишади. Демак, «Нефтчи» жамоаси бу йил кумуш медал билан қаноатланади.

Ўтган йилги чемпионатнинг кумуш медал совриндори Марказий ҳарбий спорт клуби футболчилари сўнгги тур олдидан «Нефтчи» клубидан ўн очко ортда қолишмоқда. 6 ноябрь куни Урганчнинг «Динамо» жамоаси билан бўладиган учрашув натижасидан қатъий назар, Марказий ҳарбий спорт клубига мамлакат бешинчи миллий чемпионатининг бронза медали топширилади. Кеча армиячилар Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоа хўжалиги стадионида майдон эгаларини 4:3 ҳисобида енгишди.

Термиз армия спорт клуби жамоаси футболчилари олий табақани тарк этадиган бўлдилар. Кечаги турда термизлик футболчилар Андижоннинг «Наврўз» жамоасини қабул қилишди. Учрашув 3:2 ҳисобида андижонлик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. Чемпионат давомида термизлик футболчилар жуда бўш ўйнаб 29 учрашувнинг 19 тасида ютқаздилар. Бор йўғи тўрт ўйинни ўз фойдаларига ҳал қилиб, 6 мусобақада дурангга эришишди. Иккинчи омадсиз жамоа ким бўларкин? Бу муаммо чемпионатнинг сўнгги турида маълум бўлса керак.

У. АҲРОРОВ.

«ЯШИЛ ЧИРОҚ — 96» ҒОЛИБЛАРИ

Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар бўлими ўқув йили бошидаёқ амалга ошириладиган барча ишлар режасини пухта тузганди.

Яқинда шу тадбирлардан бири, яъни «Яшил чироқ—96» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Сариосиё, Узун, Денов, Ангор, Музработ туманлари ҳамда Денов, Термиз шаҳар мактаблари ўқувчилари фаол иштирок этдилар.

Сариосиё туманидаги 18-ўрта мактаб ўқувчилари «Яшил чироқ—96» вилоят танловининг финал босқичида ғолиб чиқдилар. Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 40-мактаб ўқувчилари билан бўлган республика «Яшил чироқ — 96» танловида муваффақиятни қўлга киритдилар.

Вилоятда ўтказилаётган барча кўрик-танловлар илм толибларининг дарс жараёнида олган билимларини янада мустаҳкамлашларида яқиндан ёрдам бераётир.



Суратларда: 1. Сариосиё туманидаги 18-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Умид Бойназаров техник моделлаштириш тўгараги раҳбарларига масофадан бошқариладиган машиналарнинг ҳаракатланишини намойиш қилмоқда.

2. Сариосиё туманидаги 18-мактабнинг команда аъзолари (чапдан ўнгга): Дилдора Назарова (10-синф), Назира Қурбонова (11-синф), Гулбаҳор Ҳимойдинова (10-синф)лар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Хулласа...

ВЕРТОМОБИЛ

Ҳиндистондаги Макарашт-ра штатининг Пуна шаҳрида яшовчи Санжай Сонавани исмли бир жаноб учувчи автомашина яратди. Конструкторнинг айтишича, оддий ердаги йўлдан кетаётган оддий енгил машинани вертолётга айлантириш учун 15 дақиқа кифоя бўларкан. 70 метр баландликда уча оладиган бу учувчи машинага Санжай «Хеликар» — «вертомобил» дея ном берди. Бу машинага 4 минг см³ ҳажмдаги мотор қўйишни мўлжаллаган, лекин Ҳиндистонда бундай ҳажмдаги мотор ишлаб чиқилмаганлиги учун Санжай АҚШнинг «Генерал Моторс» компаниясига мурожаат қилди. Улар бу буюртмани жон деб қабул қилишди, қолаверса, бу тадқиқот ишини ҳам Санжай АҚШда руйхатдан ўтказмоқчи. Ишлари кўнгилдагидек кетса, биринчи «вертомобил» 1 йилдан сўнг яратиларкан.

ОЙНАЛИ КЎЗ ЁШ «ТЎКАДИГАН» ҚИЗАЛОҚ

Ливандаги Ал-Фақиҳ қишлоғида Хасна ал-Муслиман исмли 12 яшар қизалоқнинг кўз ёши ойнадан экан, деган миш-миш тарқалди. Ливан врачлари ҳам уни кузатиб, ҳар куни тариқдай ва ундан ҳам кичикроқ келадиган 10-20 дона ойна булакчалари қизнинг чап кўзидан тушишини таъкидлашди. Бу воқеа қўшни Саудия Арабистони врачларини ҳам қизиқтириб қолиб, ливанлик врачлардан синчковроқ бир гуруҳ қизчани кўришга шошилди. Қизалоқни кузатган қўшни давлат врачлари қизалоқ ҳар гал кўзини қўли билан ишқаганидан кейингина «кўз ёшлар»нинг тушишини сезиб қолишди. Бундай пайтда қизалоқ ўзини зикр тушгандек тутгани учун ҳеч ким бунга эътибор бермаган. Хулоса шулки, бу «кўз ёшлар»нинг тўкилишига сабаб қизалоқнинг яширин чўнтаги, аниқроғи, ўша чўнтакчадаги ойна булакчалари экан. Узининг айтишича, унинг орзуси машҳур булиш экан ва у маълум маънода «машҳур» бўлибди чоғи.

ГАРОВДА ЮТГАН ҲАМ ТЎЛАЙДИМИ?

Тўлар экан, деган хулосага келди белгиялик бир йигит. Бир куни у дўсти билан суҳбатда шерни қўрқмай силаши мумкинлигини айтиб қолади. Бу кейинроқ гаровга айланади. Биргалашиб Брюсселдаги циркнинг шер ётадиган қафасига яқинлашишади. Йигит қўлини панжара орасидан суқиб, қўрқмай шерни силади ҳам. Лекин шер қурғур бу меҳрибонликни ҳавф билиб, йигитнинг қўлига чанг солди ва бир бармоқ унинг фойдасига кетди. Ҳа, йигит гаровда ютди, лекин бармоғини тўлади.

ЕР АҲОЛИСИ КЎЧМАНЧИ БЎЛГАН

Деган хулосага келишингиз мумкин Алмати шаҳри олимларининг (А. Скалковский, В. Скалковский) фикрини эшитсангиз. Уларнинг фикрича, бизнинг ҳаммамиз Марс сайёрасидан ерга келганмиз. Лекин ер бизнинг доимий маконимиз бўлолмас экан. Катта фазовий ўзгаришлардан сўнг (қуёш нури совуғич) инсоният Венера сайёрасига кўчишга мажбур бўлар экан. Буни улар ўзига хос далиллар билан исботламоқдалар.

ана шунақа гаплар.

Спорт

ТЕННИС

Тиббиёт ходимларининг Тошкентдаги «Динамо» теннис кортида ҳаваскор теннисчилар ўртасидаги мусобақалар якунланди. Кескин ва муросасиз ўтган беллашувларда Рустам Сафаев ғолибликни қўлга киритиб, махсус соврин билан мукофотланди. Қолган ўринларни эгаллаган теннисчилар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ВЕЛОПОЙГА

Швейцариянинг Лугано шаҳрида велоспорт бўйича жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган А. Тўйчиев, Р. Усмонов, С. Курашевич, Ф. Ганулиналар учун республикамиз байроғи ҳилпираб турди.

Шуниси қувонарлики, бутун жаҳон конгресси Ўзбекистон миллий велоспорт федерациясини жаҳон федерациясига қабул қилганлигини маълум қилди.

МАРАФОН

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига бағишлаб бир неча кун муқаддам Шаҳрисабзда старт олган марафон қатнашчилари пойтахтимиздаги Амир Темур ҳайкали пойига етиб келдилар.

37 нафар Туронзамин фарзанди Зангиота бува қабрини зиёрат қилгач, сўнгги маррага етдилар. Улар Соҳибқирон қадамжолари бўлмиш Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанддан пойтахтимиз Амир Темур хиёбонига қадар 28 шаҳарда бўлишиб, у ерлардан олиб келган тупроқларни Амир Темур ҳайкали пойига қўйишди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бундай хайрли марафонни ҳар йили ўтказиш режалаштирилди.

Улуғбек АҲРОРОВ.

Оқ йўл!

ЧЎҚҚИ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАНГ!

Олимжон Ҳайитнинг «Тўзон» деб номланган ҳикоясини қизиқиб ўқидим. Баъзи ёш адибларнинг ўнлаб асарларини ўқийсиз. Фикрлар билдирасиз. Орадан вақт ўтаверади, ёш адиб эса яралганида қандай бўлса, ўша ҳолича қолаверади. Адабиётга ҳавас билан кириб келиб, ҳавас билан юраверади. Умри ўтаверади. У бир нарсага тушунмайди: яхши ёзувчи бўлмоқ учун адабиётга ҳаваснинг ўзи кифоя эмас. Бу ёруғ дунёда Оллоҳдан берилгувчи, истеъдод деб аталувчи улуғ неъмат бор. Одам боласига берилувчи истеъдодни чўғ деб тасаввур қилсак, уни ўт олдириш, алангалатиш, тафтини инсонларга етказиш оғир меҳнат билан бўладиган иш. Бу меҳнатта ҳамма ҳам чидайвермайди.

Олимжоннинг тақдим этган ҳикоясида ана ўша чўғни кўргандай бўлаяпман. Оллоҳ бу ёш дўстимиздан рози бўлиб, ўзи ҳидоятга бошласин. Яраттан кимгаки истеъдод, зеҳн бериб-дими, унга хиёнат қилмаслик керак. Ўша чўғни ўт олдиришга бор кучини сарфламоғи шарт. Олимжонда шундай шижоат сезяпман. Охири хайрли бўлсин.

Тоққа чиққанларнинг айримлари ён бағирда ёнбошлаб ётмоқни ёки булоқ сувидан ичмоқни истайди. Айримлар эса, белни маҳкам боғлаб, чўққи сари юради. Олимжон адабиёт чўққиси сари дадил одимлайди, деб ният қиламан.

Тоҳир МАЛИК.

ТЎЗОН

(ҳикоя)

Бугун эрталабданоқ ҳаво айниб, ҳамма ёқни қоронғилик босди. Эндигина яшил тус ола бошлаган дарахт барглари тасодиф хавфни сезаётгандек қалт-қалт титраши кишига худди икки томоннинг катта жанг олдидан ими-жимида ҳозирлик кўриб ётишини ҳам эслатиб юборади, денг. Бунақа пайтда, айниқса, анави чумчуқларга Худо беради-да! Ҳовлига йиғилиб гўё «ула, ула, ҳолинг шу экан-ку, одамзод!» дегандай чарақ-чарақ қилади-я!..

Алиқузига эса, бунақаси ҳеч ам тўғри келмайди. Умуман, қаердадир «ҳаво айнийди» дейишганини эшитиб қолдими, тамом. Юраги зириллаб кетади. Юраги-ку, майли. Оёғи қурғурнинг лўқиллайвериши жонига теккан. Ўзи, ҳамма ўқитувчининг қисмати бир шекилли. Ишлаб-ишлаб толиққанингда ё оёғингга, ё юрагингга тош бойлаб чиққанингни ҳатто ўзинг ҳам билмай қолаверкансан. Ана ундан кейин уйга келволиб чиранавераркансан. Ахир, бу яраама қилишини билмай хонанинг қоқ ўртасига ўтириб қолди. Ҳозир унга бир томондан анави хўмрайганча бостириб келаётган булутлару оёқ оғриги азоб берса, иккинчи томондан кутилмаганда уйда пул йўқолиб қолиши катта ташвишдек туюларди. Йўқ. Аслида у пуллар жа-а қайгуришгаям арзийдиган кўп эмас. Фақат тўсатдан йўқолиб қолиши қизиқда!.. «Тўхта, тўхта. Мабодо Акмал «ҳазиллашиб» қўймаганмикин у пулларга?» Алиқузи энди ўглидан шубҳаланишга тушди. «Ахир, нима бўлгандаям, барибир бола-ку! Қолаверса, хотини худонини берган куни «Акмалингиз уйга кириб мундоқ ўқувчига ўхшаб дарс тайёрлаб ўтирганини сира кўрмадим-кўрмадим-да» деб нолигани нолиган. У булса «ҳа, энди, бола-да» дейишга яраган холос шу пайтгача. Балки хотининг гапларида жон бордир? Узи ростданам Акмал кейинги вақтда уйда негадир жуда кам кўринадиган бўлиб қолгандай... Агар ҳақиқатан пулларни у олган булсаю, Алиқузи яна индамай турaверса, бир кун келиб ашаддий киссовургa айланиб кетиши мумкин-ку Шу томони бор-да!..

«Ана шунақа. Баъзан бола деганиям бошга битган бало бўлади шекилли. — Алиқузи чуқур хўрсиниб қўйди. — Бир амаллаб оёққа турғазиб қўйсанг бас, нақ «галва»га айланволаркан. Мана, унинг ўзи Акмали туғилганида «кексарганимдан куксимни кутарганингга шукур» деб туни билан ибодат қилиб чиққанди. Ўглининг илк қадамлари, чучуккина тил билан «дадда, дадда», «нанна» дея бошлаган кунлар, елкасига портфель осиб, биринчи маротаба мактабга боргани... Эҳ-ҳе, қайси бирини гапирсин?»..

Ҳа, ҳа. Сал бўйи ўсиб, ўгиллари ўзгариб қолди. Баъзида икки-уч кунлаб кундузлари уйга келмай қўяди. Қаерда юрганини ҳеч кимга айтмайди. Мана, охири келиб пул йўқола бошлабди... Тўғри-да! Рузғор бўлгандан кейин эр-хотин топгантутганини нега бир-биридан сир тутар экан? Кўрпа қатигами, токчанинг бурчигами, ишқилиб, дуч келган ерга қуяверишади-да!..

Йўқ. Ҳойнаҳой, бу ерда бир гап бор. Акмал улардан нималарнидир яшираяпти. Ўша қаерлардадир сангиб юришлариям яхшиликка эмасдир-ов!? Ё қиморга ўргандимикин-а? Худо сақласин!.. Лекин билиб бўладими? Ҳозир қишлоқда ҳам бекорчи болалар кўпайиб кетган. Балки, ўшаларга билиб-билмай қўшилиб қолгандир?.. Йўғ-э, жа унақа эмасдир. Пулни шунчаки бирор нарса егиси келиб олган бўлса-чи?

Нима бўлгандаям, ҳамма айб узларида. Эр-хотин «узимиз бир амаллаб кун кўряпмиз» деб ўтирмай, боланинг айтганини қилишди. Уни еру кўкка ишонишмади. Эркалатаверишди, талтайтираверишди. Эвазига осмондаги ойни олиб бермадику!..

Яхшиямки, Алиқузининг ўзи бир умр ўқитувчилик қилиб ўтяпти. Яна одобномадан дарс беради. Бошқаларнинг боласига панд-насиҳат қилади, йўл-йўриқ кўрсатади, тергайди. Бу ёқда эса, биттагина фарзандни сал «қолиплаб» олишга шунчалик ожиз қолса-я!..

Уф-ф-ф!.. Қанча «югурган» билан бу уй деганни ҳеч тутиб бўлмас экан-да! — Алиқузи кескин қўл силтаб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Шу пайт бешинчи уй тўридаги катта ойна ёнига бориб қолди-ю, узининг аксига кўзи тушди. «Ие, шунчаям ориқлаб кетибдими? Ёшликдаги қоп-қора сочлардан асар ҳам йўқ-а! Бариси оқариб бўлибди-ку! Уф-ф, турмуш ташвишлари намунча кўп-а! Мана, Акмалники... Яна бир ташвиш тўғдирмасайди. Бу бетамиз бола бир кун келиб бошимга етмаса ўрга эди» — узича тинимсиз ғудранарди Алиқузи. «Ҳа, айтгандай, тўхта, шунча қуйиниб ётгандан кўра хонасиниям бир текшириб қўйсам нима қиларкин?».. — У хаёлига келган фикрдан бир оз кўнгли ёришгандай ўглининг хонасига қараб юрди... Хонанинг ичкариси саранжом-саришта. Ҳатто, эшикнинг пардаларигача дид билан илинган. Ишқилиб, хотини бор булсин-да! Бунақа фаҳм-фаросатли аёлни, айниқса, ҳозир юз марта дунё айланиб ҳам топиб бўлмайди, ҳа!.. Тўхта, тўхта! Анави магнитофонми?.. Ие, бу яп-янги соат қайдан келдийкин?! — Алиқузи эсхонаси чиққудай бўлиб ҳамма ёқни титкилай бошлади. Кийимлар орасида, кўрпа қатида қандайдир майда-чуйдалар қалашиб ётарди. «Астағфирилло, ахир, шунча ишлаб мен сотиб олмаган нарсаларни...» — Шу пайт ташқарида кучли шамол турди шекилли, хонанинг деразаси шарақлаб очилиб кетди. Алиқузи ҳовлиқиб даразани беркитишга ошиқди. Уй ичига кутилмаганда ёпирилиб кираётган чанг кўз очиргани қўймасди. У нима қилишини билмай бир оз гарангсиб турди. Оёғи ҳамон азоб бераётган булса-да, узини қўлга олишга уринди. «Нима қилса бўлади?.. Ҳа, дарвоқе, қассобга чиқиб келса нима қиларкин? Уйда гўшт қолмовди шекилли... Илож қанча, насяга бўлсаям бир илтимос қилиб кўради-да!»

Ташқарида шамол узига етгунча зўр бериб ётарди. Увиллаши бир хунук-эй! Худди чиябурилар бостириб келаётганга ўхшайди-я!.. Алиқузи бу тўполонда қассобхонага базўр етиб келди. Устига-устак негадир нафаси бўғзига тиқилиб қолаётгандек, дармони тобора қуриб бораётганиданми, оёғи ҳам оғриққа зўр беряпти. «Жин урсин, аксига олиб қассобхонаям берк. Энди нима қилиш керак? Бунақа ҳавода туравериш ҳам бефойда... Ҳа-а, яхшиси чойхонага боргани маъқул». У пича иккиланиб, гузар тарафга қараб юрди...

Қишлоқ чойхонасида, айниқса, қариялар ҳу-ўп маза қилишади-да! Бунақа пайтда чойхоначи Мардонқул оқсоқ-ка тоз-за худо беради. Ҳали паловга уннайди, ҳали чой кутариб даврага чопади, дам янги мижозларнинг кўнглини овлаб кетади...

Бу орада Алиқузи чойхона ёнига етиб келиб, тўхтади-да, сал узини ўнглаб, астойдил чойхўрлик қилаётганларни, чойхонанинг чиройли, нақшинкор пештоқларини узоқроқдан туриб бир оз кўздан кечирган бўлди. «Афсус! Шунча меҳнатни ким учун қилувдим ўзи? Ким учун шунча йил тер тўкдим? Наҳотки, охир-оқибат?..» — Алиқузи ич-ичдан эзилиб, узига-узи гапира-гапира чойхонага яқин борди. « Шу ерда — одамлар орасида булиб турсам, балки кўнглим ёзилар» деб ўйлади.

— Ие, ие, келинг домла, хуш кўрдик, — Алиқузини кўрган Мардонқул оқсоқ энтикиб мулозамат қилди. — Қайси шамоллар учирди? Тинчликми, бутам? Машқингиз пастроқ? Нима бўлди?

— Раҳмат, ака! Сал мазам қочиб денг...

— Худо сақласин, бутам, худо сақласин! — Мардонқул оқсоқ Алиқузига тасалли берган бўлди.

— Мардонқул ака, иложи бўлса битта кўк чой берсангиз.

— Хўп бўлади-да, бутам! Чойакану, дунёни суранг, бутам, дунёни! — Мардонқул оқсоқ ҳаял утмай одмигина чойнакчада чой, тутилавериб бўёғи ўнгиб кетган патнисининг бурчида бир қисим қанд-курс келтириб, Алиқузига зимдан термулиб турдида, беихтиёр гапга тутинди:

— Ука, мен сизга гапнинг ўгил боласини айтсам, ўқитувчилик жуда оғир касб. Сизам, мана, анчадан бери сиса ишловриб чарчагансиз-да! Қўйинг-э, иш дегани тугаб қолармиди. Чойхонага чиқинг, улфатлар билан қўшилиб дам олинг, отамлашинг. Одамнинг тафтини одам олади... Ҳа, айтганча, сиздан яна бир нарсани сурайман де-еб юрувдим-а, қаранг... Акмалжон мабодо сизнинг ўглингиз эмасмиди?

— Ҳа, менинг ўглим. Нимайди? — бирдан сергак тортди Алиқузи.

(Давоми бор).

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Тошкент молия институти ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, республика тармоқ касаба уюшмаси ташкилоти тафтиш комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, доцент

Саъди Халилович АБЛЯТИФОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар булими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Нашрга тайёрловчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0582.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.